

Box  
کتاب  
کلیلی





# Дос Мампаб Киссаеи



ШАРҚ

Мазкур асар Ўзбекистон Матбуот Давлат Қўмитасининг «Ижод» ва Тошкент вилоят матбуот бошқармасининг «Маърифат» ижодий бирлашмаларининг ташаббуси ва маблағи ҳисобига нашрга тайёрланди. «Шоҳ Маншраб қиссаси»нинг 1886 йилда Тошкентда босилган нусخаси асосида чоп этилди.

Масъул муҳаррир — тарих фанлари номзоди, доцент  
Ш. А. Миралимов.

Муҳаррирлар — О. Абдуллаев, А. Ҳайдаров.

Нашрга тайёрловчи — Маҳмуд Хасаний.

Изоҳ ва шарҳлар муаллифи — адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Маҳкам Маҳмуд.

## МУҚАДДИМА

Қайта қуриш ва ошкоралик шарофати билан ҳаётнинг ҳар бир соҳасида ҳақиқат қарор топа бошлади. Нафақат ўтмишда, балки бизнинг давримизда яшаган ва ноҳақ қатағон қилинган фозил инсонлар яна оқланиб, улуғланмоқда. Тарихга ва ҳар бир шахсга нисбатан адолатли баҳо бериш давр мезони бўлиб қолди.

Оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг тақдири янада мураккаб кечган. Турли даврларда Машраб шахси турлича талқин қилинди. Машраб ижодини юзага чиқариш учун аввало уни шаккок, худога ва руҳонийларга қарши кураш олиб борган шахс сифатида талқин қилинган. Машраб томонидан ёзилган «Мабдан нур» ва «Кимё» асарлари бошқа Машраб таҳаллусли шахсга тааллуқли деб даъво қилинган. Бугунги кунга келиб бу асарлар яна Бобораҳим Машраб номи билан боғланмоқда.

Сиз муҳтарам китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган «Шоҳ Машраб қиссаси» китоби ҳам асрлар давомида омма ўртасида «Девони Машраб», «Шоҳ Машраб», «Девона Машраб қиссалари» номи билан машҳур бўлиб келган. Бу қиссалар ҳақида турлича фикрлар ҳукм сурмоқда. Кимдир уни афсона деса, яна кимдир ярим афсона деб талқин қилади. Холбуки, ўтмишда бу қиссаларни севиб мутаола қилишган ва Машраб шахсини авлиё даражасига кўтариб улуғлашган.

«Шоҳ Машраб қиссаси»нинг бизнинг давримизга келиб афсона сифатида талқин қилинишининг боиси нимада? Бунинг сабабини динга қарши ташвиқот ҳамда инсонлардаги мавжуд ғайри табий қобилиятни тан олмаслик билан тушунтириш мумкин. Чунки яқин ўтмишда ҳам инсонлардаги каромат қуввати одатда дин билан боғлаб кўрсатилган. Бу кароматларни тан олиш диннинг ривожланишига сабаб бў-

лади деб фикр юритилган. Европада ғайри табиий қобилиятли кишилардан давлат бойлиги сифатида фойдаланиб келинаётганига қарамай бизда улар қувғин остига олинган. Бобораҳим Машраб ҳам ғайри табиий қобилиятга эга бўлган каромат соҳиби бўлганлиги кўпгина тарихий манбаларда қайд этиб ўтилган.

Бобораҳим Машраб (1640—1711) ҳаёти ҳақида аниқ муфассал маълумот берадиган манба ҳозиргача топилгани йўқ. Халқ орасида бу исёнкор шоир ҳақида «Қиссаи Машраб», «Девони Машраб», «Шоҳ Машраб» деб юритилиб келинаётган афсонавий китоб бор. Лекин мазкур асарнинг ҳақиқий муаллифи ҳозиргача илмий манбалар асосида тўла аниқланган эмас. Чунки қиссанинг бирор жойида уни ёзган киши ҳақида ҳеч бир нарса дейилмаган. Бу асарни баъзи олимларимиз Машрабга ҳамроҳ бўлган Пирмат Сеторий ёки дўсти Исҳоқ Боғистоний ёзган деб тахмин қилишади.

«Шоҳ Машраб» кўпроқ халқ дostonларига ўхшаб кетади. Ундаги воқеалар Машраб туғилиши билан бошланиб, охири шоирнинг Маҳмудхон подшоҳ томонидан Балх шаҳрида дорга осилиши билан тугайди. Қиссанинг ичидаги «Алқисса Мулло Бозор Охун этиб келдилар». «Эрса Шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқидилар», «Ҳазратимни илтифотларига Шоҳ Машраб бу байтни ўқидилар», «Бу ҳолни Оқбўтабий кўриб дедикки», «Алқисса Шоҳ Машраб Хўжанддан чиқиб, Маккага равона бўлдилар» каби жумлалар ундаги ривоятларни бир-бирига боғлайди. Асарда келтирилган шеърлар баъзи ривоятларга мазмунан боғланса, баъзан боғланмайди. Булардан қатъий назар «Шоҳ Машраб» китоби ҳозиргача шоир ҳаётини ўрганиш ва унинг ғазалларини чоп этишда асосий манба вазифасини ўтаб келди. «Қисса»да шоир мўъжизакор авлиё, билимдон, ҳозиржавоб шоир, тақводор, тўғрисўз, ҳалол, покиза инсон, дунё моли ва ҳузур ҳаловатидан воз кечган дарвеш қаландар сифатида тасвирланган Машраб адолатсизлик, ноҳақликка қарши ўз шеърлари билан кескин кураш олиб борди, мазлум халқни ҳимоя қилди, бутун умри шу оддий халқ орасида ўтди.

Қўлингиздаги «Шоҳ Машраб қиссаси» 1886 йил 15 ноябрда Тошкентда чоп этилган нусха асосида тайёрланди.

Маҳмуд ХАСАНИЙ.



## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

...Тўққуз кун, тўққуз соат тамоm бўлиб, ул фарзанд (яъни Шоҳ Машраб) таваллуд топди. Кўрдиларки, бир шермард, гўёки май ичиб, масти мустағрақ ётибдур, ани кўруб, хушҳол ва хуррам бўлдилар. Шул соат болани ердин кўтариб олдилар. Андин сўнг бола кеча ва кундуз йиғламоқдин тинмади... Бу болани етти кунлук бўлғонда бешикка солдилар. Отларини Раҳимбобо қўйдилар. Етти ёшқа етконда хатна қилдилар, андин сўнг мактабга бердилар. Устозлари айдилар:

— Эй ўғлум, бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим, алиф, — денг дедилар.

Шоҳ Машраб:

— Алиф, — дедилар.

Устозлари: «Бе» денг», дедилар.

Шоҳ Машраб устозларидан сўрадиларки, алифнинг маънисини нимадур ва «бе» нинг маънисини нимадур, эй домла?

Устозлари аччиғланиб дедиларки, эй бачаи нодон, сан ким, бу маъни сўрамоқ ким, дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй домла, алифни маънисини сиз айтмасангиз, ман айтаман», дедилар. Устозлари айдилар: «Эй ўғлум, алифнинг маънисини нимадур?» Шоҳ Машраб айдилар: «Алифнинг маънисини бирдур, ул сабабдин «бе» демасман, мундин ўтмак хатодур» дедилар. Устозлари бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлуб қолдилар.

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим,  
Шаҳид қонини тўкмоқни каломуллодин ўргандим...  
Ҳама айтурки, Машраб, мунча илми кимдин

ўргандинг?

Худо лутф айлади, ман барчани мавлодин

ўргандим!

Шоҳ Машраб бу байтни ўқуғондин сўнг мактабхонаси-  
дин чиқиб, биёбонга равона бўлуб, бу муҳаммасни ўқудилар:  
... Е илоҳи, эмди қилғойсан бу банданга назар,  
Жандами бардўш этиб, кирдим йўлингга дарбадар,  
Дашту саҳрову биёбонларни излаб сарбасар,  
Топмади ҳаргиз бу Машраб ўз вужудидин хабар,  
Бир назар қилсангки, роҳат тобқуси жону таним!

Иккинчи тахаллуслари Маҳдий, учинчиси Зинда эр-  
дилар.

Алқисса, анолари эшитиб, арқоларидин излаб чиқиб,  
зор-зор йиғлаб, Машрабни кўрдикки, сару побараҳна йиғлаб  
юрубдур. «Эй нури дийдам болам!» деб қўлларидин тутуб,  
бир неча панду насиҳатлар қилдилар.

Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Еридур манга ҳижрон илгидин фарёдлар қилсам,

Бориб ҳақ олдида дасти фалакдин додлар қилсам.

Деб шоҳ Машраб анолари бирла уйга келдилар. Анола-  
ри орзу қилар эрдиларки, янги либос кийиб юрсалар, деб.  
Аммо Шоҳ Машраб либосларини ҳар ерда ожиз бараҳналар  
бўлса, анга берур эрдилар. Анолари йиғлаб айдиларки, эй  
нури дийдам, болам, сизга неча орзулар била либос қилиб  
берсам на учун киймайсиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Эй ано,  
сиз таваллуд қилғонда либосим бор эрдиму?» Анолари айди:  
«Йўқ эрди». Шоҳ Машраб айдилар: «Яна бараҳна кеторман»  
дедилар...

Аммо Шоҳ Машрабнинг одатлари шул эрдикки, ҳар ерда  
гўристон бўлса, одамларни устихонларин кўриб, йиғлаб ай-  
тур эрдиларки, «эй, одамизод, охир ўлуб бошингга тушодир-  
ғон иш будур».

Вақтики Ҳазрати Эшон (яъни Бозор Охунд) муридлари  
бирлан зикру симоъ қилишиб келғоч, Шоҳ Машраб дедилар-  
ки:

Шаҳду шакардин ортуғум, оромижоним келдилар,

Кўнгил уйини кўрголи, руҳи равоним келдилар.

Алқисса, Мулло Бозор Охунд етиб келдилар. Шоҳ Маш-  
раб ўринларидин туруб, эъзозу икром бирла бу ғазални  
ўқудилар:

Ба кунжи офият биншин, бихур ноне ба осони,

Агар ту пири Канъони, ба вақти марг дармони.

Таржимаси:

Саломатликда ўтириб, нонни қийналмасдан еб,

Пири Канъон бўлганигда ҳам, ўлим вақтида

ожиз қоласин.

Алқисса, Мулло Бозор Охунд Машрабнинг бу ғазалларини эшитиб, масти беихтиёр бўлдилар. Андин сўнг айтдиларки, эй ўғлум, ато ва анонгни ризолиқиға ҳам қароғил, чунки худойи таоло ўз «Қалом»ида хабар берибдурки: «Ва бил волидайни эҳсонан» деб. Андин сўнг эшон Мулло Бозор Охунд Машрабга кўб лутфу марҳаматлар қилиб, муҳаббат билан фарзанд деб, бу байтни ўқудилар:

Аз амри худо баландтар аст амри падар,

Бе амри падар касе ба жое нарасад.

Жаннат, ки ризои модарон аст,

Зери қадамони модарон аст.

(Таржимаси:

Худо амридан отанинг амри юқори туради,

Отанинг амрисиз киши ҳеч ерга етолмайди.

Оналар ризолигидан бўлган жаннат

Оналарнинг қадамлари остидадир).

«Э, ўғлум, санга ва манга ато ва анони хизматлари фарзу вожибдур, аларни хизматларини ғанимат билгайсан» деб, бир неча панду насиҳатлар қилдилар. Эрса Шоҳ Машраб яна бу ғазал (муҳаммас)ни ўқудилар:

Ишқида куймас ҳеч ким девона бўлмағунча,

Шамъида ёнмас ҳеч ким, парвона бўлмағунча,

Суймас садафни ҳеч ким дурдона бўлмағунча,

Адҳам сифат дунёдин бегона бўлмағунча,

Бошға олиб маломат фасона бўлмағунча!

...Шоҳ Машраб ийдгоҳга келдилар, ўшал кунлар ийд мавсуми эрди, ийдгоҳда бир катта кўл сув бор эрди. Шоҳ Машраб чапонларини ташлаб, ўшал кўлда чўмулдилар. Ҳама халқ кўруб турар эдилар, шул кўлга бир шўнғудилар, ҳеч бир асарсиз бўлуб кеттилар. Бу воқеани кўруб, ҳалойиқ ҳайрон бўлдилар. Шоҳ Машрабнинг аноларига хабар еткурдиларки, Машраб ўзини кўлга ташлаб ғойиб бўлди деб.<sup>1</sup> Анолари эшитгон он «Оҳ, жоним болам!» деб зор-зор йиғлаб, келиб, кўлнинг лабида ўлтуруб дедики, «Эй нури дийдам, сизни шул умид билан боқиб эрдимму, мундоғ бўлгонингизга рози эмасмен», деб жудолни ғамидин бу ғазални ўқудилар:

Бу ғариблик даштида куюб адо бўлдим, болам,

Мисли ул боди хазондек қаҳрабо бўлдум, болам.

Бу жудолни дардини айтай эшитинг, дўстлар,

Рози дилни айтайин, сандин жудо бўлдум, болам!

<sup>1</sup> Туркистонлик сўфийлар махсус машқ билан нафасни ичга ютиб, узоқ вақт нафас олмай туриш қобилиятига эга бўлганлар.



десалар, Шоҳ Машраб сувнинг ичида туриб, анолариға бу байтни ўқудилар:

Еш қолибман отадан, кўнглимни шод эткон онам,  
Меҳрибонлиғларини ул кунда зиёд эткон, онам.  
То қиёмат бу жудолиғ дардиға туштум дебон,  
Нури чашмим қайдасан деб, анда ёд эткон, онам,—

десалар, Шоҳ Машрабни анолари эшитиб, ҳурсанд бўлуб, бу ғазални ўқудилар:

Бу жудолиғқа қолибман, қайдасан, жоним болам,  
Хасратингда қон ютибман, қайдасан, жоним болам?  
Тун саҳарларда туриб, совуқ бешигингни қучуб,  
Эмчокимдин сут берибман, қайдасан, жоним  
болам?! —

Шоҳ Машраб дедилар: «Эй меҳрибоним аном, вай ғамгузорим аном, менингдек ноқобил фарзанддин ризо бўлунг, худойи таоло мени шу куйга солибдур», деб, эшон Мулла Бозор Охундни хизматлариға равона бўлдилар. Тамом одамлар сайҳа тортишиб, Шоҳ Машрабни орқаларидан юрур эрдилар. Мулло Бозор кўрдиларки, Шоҳ Машрабни кўзларида йиғлоғон ёшнинг асари бор, Охунд сўрдиларки, қайда эрдинг? Шоҳ Машраб айдилар: «Маъшуқам бирла ҳазил-мутойиба қилиб ўлтуруб эрдим, баногоҳ эри саҳродин ўтун кўториб келиб қолди, мани тутуб олиб таёқладилар, шарманда бўлаёздим, лозимимни қўлтуғлаб қочтим» дедилар.

Эрса, Мулла Бозор Охунд бу сўзға таажжубда эрдилар, ўлтурғон халойиқдин овоз чиқтики: «Тақсир охунум, Машраб ялғон айтадур, кўчаларда йиғлаб юруб, ийдгоҳға бориб, кўлға чўмулуб чиқти», дедилар. Эрса, Мулло Бозор Охунд «Ҳай, дариғ!» деб, қўлларини тизлариға уруб дедиларки: «Сизлар беадаблик қилибсизлар, Машраб бу вилоятни фиқу фужурини кўтарур эрди, энди Машрабни кўрмак йўқтур», дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй охунум, Сизға бу вилоят қутлуғ бўлсун, бизға йўл қутлуғ бўлсун!» деб бу муҳаммасни ўқудилар:

Токай мани бечораға бу дарди аламдур,  
Васлингни тилаб кўнглим ғам устиға ғамдур.  
Ҳижрон ичида мунча манга жавру ситамдур,  
Бу даври фалак, балки батақдири қаламдур,  
Бу ғуссадин ўлсам бошима оҳим аламдур!...

Алқисса, тамоми халойиқға беҳудлиғ рўй бериб, Машрабни арқоларидин эргашиб юрсалар, Машрабнинг жунунлари зиёда бўлуб, бозор бошиға келиб, қўлларига соз олиб, бу муҳаммасини ўқудилар:

Ишқ ичра қадам қўйдиму то тарки сар этдим,  
 Сийнамни маломат ўқиға ман сипар этдим,  
 Бу манзили беҳудаға ташлаб сафар этдим,  
 То олами зоҳирға келиб ман гузар этдим,  
 Тарк айладиму жумлани қатъи назар этдим...

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазални то охир ўқуб, жазаба ва жунунлари зиёда бўлуб, бир тепага чиқтилар, тўрт тарафға боқиб, Қошғар тарафидин бир марди Худони иси келодур, деб равона бўлдилар. Илгари эшитиб эрдиларки, ҳазрати Маҳдуми Аъзам набираси — Офоқ Хўжам Қошғарда деб. Маънийи Офоқ улдурки, қутб ул-олам деган бўлур. Дунёда икки офоқ ўтубдурлар. Бирлари Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, бирлари Офоқ Хўжамдурлар. Машраб андеша қилдики, мундоғ юргонимдан андоғ зоти шарифни хизматлариға борсам, беҳроқдур деб, бу ғазални ўқудилар:

Надоматда тўқуб ёш васлинг излаб юргоним  
 беҳроқ,  
 Ғаму дардинг рафиқ айлаб мудом оҳ ургоним  
 беҳроқ.  
 Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,  
 Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилғоним  
 беҳроқ.

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб Лангар мазоридин чиқиб, ўз ҳасби ҳолларига бу ғазални ўқудилар:

Наманган шаҳридин кетсам, мани йўқлар кишим  
 борму?  
 Ғариблик шаҳрида ўлсам, мани йўқлар кишим  
 борму?  
 Бу мискин зори Машрабни киши ҳолини  
 билмайдур,  
 Бу ердин бош олиб кетсам, мани йўқлар кишим  
 борму? —

деб, Шоҳ Машраб Андижон тарафига равона бўлдилар. Дарё лаби бирла борур эрдиларки, Балиғчидан бир неча қизлар келиб, чўмулуб турур эрдилар. Шоҳ Машраб аларни кўруб, ҳазил мутойиба қилдилар. Қизлар айдилар: «Эй девона, нағма қилиб, ғазал ўқунг, бизлар тамошо қилайлук».

Шоҳ Машраб: «Хўб бўлур» деб, бу ғазални ўқудилар:

Бир боқиб кўз учидан танга кетурди жон қиз,  
Айланиб, юз ўгуриб қилди юракни қон қиз.  
Кунда минг дард ўқини отти бу хазин жонима,  
Бирига айламади лабларидан дармон қиз, —

деб Шоҳ Машраб Балиғчидин Андижон йўлига равона бўлуб,  
йўлда бу ғазални ўқудилар:

Масти жоми ваҳдатам, жоно, сенга ман зор ўзум,  
Шориби хамри аластам, ошиғи дийдор ўзум...

деб, Шоҳ Машраб Андижонга бу талқинни айтиб кирдилар:

Мажнун ила кездим неча йил дашту биёбон,  
Лайлини сўроглаб юрдум бесару сомон.  
Бу ранжи дилимни эшитиб раҳм эта кўргил,  
Васлингни тилаб кимки менингдек санга ҳайрон...

деб, Андижон бузругворларини заёрат қилиб, Уш тарафга  
равона бўлуб, йўлда бу ғазали мустазодни ўқуб, замзама  
қилдилар:

Э моҳ, нетай, ишқинг ўти айлади расво,  
демона бўлубман,

Ишқ ўти куяр жисмим аросида на парво,  
парвона бўлубман.

Ул дамки ўшал моҳ-юзин бир йўли кўрдим,  
ул хоби хаёлот,

Найранги рақиб ўлди ва ё ҳукми худодир,  
бегона бўлубман.

Машраб ҳолин сўроғоли оламда кими бор,  
ким додиға етгай,

Йўқтур бу бузуғ дилни сўрор-маҳрами доно,  
вайрона бўлубман!

деб, Шоҳ Машраб Ушга бориб, Тахтни заёрат қилиб, Осаф  
ибн Бирхиёни остоналарига келиб, бу муножатни ўқудилар:

Тавофи остонангга ғариби нотавон келдим,  
Умид айлаб мадад сендин кўзимда хунфишон  
келдим.

Умид айлаб висолингни, кўрарман деб жамолингни,  
Басони булбули шайдо ба сад оҳу фиғон  
келдим... —

деб, Шоҳ Машраб довондин ошдилар, манзил баманзил бо-  
рур эрдилар. Хожамнинг остоналарига етдим деб димоғлари  
чоғ бўлиб, бу ғазални ўқудилар:

Эй менинг нозик ниҳолим, ёри жоним, қайдасан,  
Бу кўнгил бўстонида ғунча даҳоним қайдасан?!

Ҳолимиз беҳад ёмондур келмасанг ҳолим сўраб,  
Эй менинг хуш меҳрибон, руҳи равоним қайдасан?

деб Шоҳ Машраб ўзларини шул соатда Қошғар вилоятида  
кўрдилар. Қошғар халқини кўриб, жунунлари зиёда бўлиб,  
масту беихтиёр бу ғазални ўқидилар:

Даргоҳингга бир ожизи афгор келибман,  
Арзи дилимни этмак учун зор келибман.  
Йўқдир илкимда сенга бир тухфаи лойиқ,  
Жуз залла гуноҳ эл ичра хор келибман... —

деб Шоҳ Машраб Офоқ Хўжам остоналарига бориб, бу му-  
ножотни ўқидилар:

Азалдан то абад дўстлар, ҳамиша оҳ деб келдим,  
Тилимда раббиял аъло, яна Аллоҳ деб келдим.  
Ки сан авлоди пайғамбар, отингдур Ҳазрати Офоқ,  
Ки навмид кўймағойларким, улуғ даргоҳ деб  
келдим.

Азалдан менга солди ушбу ўтти, эй мусулмонлар,  
Анинг учун куёрман туну кун юз воҳ деб келдим.  
Ҳидоят кўргузунг Офоқ Хўжам, пушту паноҳим сиз,  
Адашган, йўлда қолганман, ман ғарибга роҳ деб  
келдим.

Кел, эй Машраб, умид этгилки, афв этгай  
гуноҳингни,  
Ҳасан бирла Ҳусайним ҳурмати ул шоҳ деб  
келдим.

АЛҚИССА, Машрабни бу ўқиган муножотлари Ҳазрати  
Офоқ Хўжамга маълум бўлди. Айдилар: «Эй, сўфийлар, ҳеч  
хабарларингиз борму, бир шўридаҳол девона келиб, эшикда  
йиғлаб турубдур, шул бечоранни мунда олиб келинглар!»  
Мулло Боқи Охунд бирла Мулла Соқи Охунд чиқиб кўрди-  
ларки, бир йигит, эмди мўйлаб сабз қилгон, қавий ҳайкал,  
сару побараҳна, кўзларидини ўт чиқиб турибдурки, мундор  
девонани ҳеч киши кўрган эмасдур. Девонани Ҳазратнинг  
олдиға олиб кирдилар. Шоҳ Машраб Ҳазрати подшоҳим жа-  
молларини кўруб бу муножотни ўқидилар:

Бо ҳазрати ту гуям ҳар дам ба сад тавалло,  
Инни заламту нафси фағфирланал хатоё...  
Гар му сафид кардам дар оҳи фиску исён,  
Ўз фазлинг ила, ё раб, қилма бу қулни расво...

Бу муножотни Ҳазрати Офоқ Хўжам эшитиб айдиларки: «Эй, сўфийлар девонани яқинроқ келтурунглари!» Андин сўнг сўфийлар икки қўлларидин тутуб, олиб келиб, Ҳазратимни аёқларига йиқитдилар. Ҳазратим Машрабни қўлидин тутуб айдиларки: «Эй девона, қайдин келурсиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Намангондин келурман!» Ҳазратим айдилар: «Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларидин ҳеч бир байт билурмусан. Бизга бир ғазал баргсабз учун ўқусанг!» дедилар. Анда Шоҳ Машраб «Хўб бўлур» деб, бу ғазални ўқудилар.

Онҳо, ки хокро ба назар кимё кунанд,  
Оё, бувад, ки гушаи чашм ба мо кунанд.  
Дардам нуҳуфта баҳ зи табибони муддаий,  
Шояд, ки аз хазонаи ғайбаш даво кунанд.

Ҳазратим қўлларини кўториб, «Ҳай, бас, агар мундин зиёда ўқусанг, куюб кетарман!» дедилар. «Эмди ўз ғазалингни ўқиғил», деб амр қилдилар. Шоҳ Машраб айдилар:

Бугун Маҳдуми Аъзам подшоҳим кўрғоли келдим,  
Итидек остониға юзумни сурғоли келдим.  
Қиёмат боргоҳини тузар ул кун малонклар,  
Ки сен кимё назарсан, ман мисам, зар бўлғоли  
келдим.

Сани бузруглиғингни шуҳрати оламни тутгондур,  
Қулунг Машраб дуойи хайр ила ёд этғоли келдим.

АЛҚИССА, Шоҳ Машрабни бу ўқуғонлари Ҳазратимга хуш келиб, ишорат қилдиларки, яна ўқуғил. Шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқудилар:

Бузургу марди худо деб дуо тилаб келдим,  
Валийи шернамо деб паноҳ тилаб келдим.  
Қўлиға ҳанжар олиб, ул санам деди: «Бош бер!»  
Камина бекасу ожиз ризо тилаб келдим.  
Қаландаринг яна Машраб йўлингга бош қўюбон,  
Бу остонага яна зиё тилаб келдим.

Бу сўз Ҳазратимга хуш келиб, назари илтифотлари бирла қараб, қўлларини очиб, Машрабнинг ҳақиға дуойи хайр қилиб, кифтига қоқдилар. Эрса, бисмил бўлгон мурғдек, беҳуд бўлур йиқилдилар. Шул соат подшоҳим Машрабни бошини тизларига олиб, ботиндин хабар олдилар. Эрса, Машрабни дилини чироғиға ёғ қуюб, пилтасини тайёр қилиб, равшан қилғоли бир пири комил топмай юргон экан. Ҳазратим айдиларки: «Эй сўфийлар, сизлар гувоҳ бўлунгларики, бу девонани отини Машраб қўйдум. «Оллоҳу акбар!» дедилар.

Андин сўнг девонанинг оти Машраб демакликга шуҳрат топти. Бошларини кўториб, кўзларини очиб, яна ғазал дедилар:

Қўлум олинг, ё пирим, менда тоқат қолмади,  
Йўлга солинг, ё пирим, манда ҳолат қолмади.  
Ҳазратнингдин мен бугун дуо тилаб келибман,  
Бўйни синуқ етимман, менда роҳат қолмади.  
Офоқ хўжамким суюб, отинг Машраб дедилар,  
Бўсоғангда ўлурман, менда ҳасрат қолмади...

АЛҚИССА, Ҳазратим бу байтни эшиттилар, подшоҳлик қилиб айдиларки: «Эй Машраб, бизга хизматкор бўл!» Машраб туруб таъзим қилди. Уч йил ўтун ташидилар. Яна уч йил мешкда сув ташидилар. Бир йил остонада ёттилар. Бу етти йилда бир пўстун кийдилар, ёз бўлса чармини кийдилар, қиш бўлса юнгини кияр эрдилар.

Эй биродарлар, кийибман бир кийимни етти йил,  
Бас, машаққат тортмагунча лойиқи дийдор эмас.

Ду бора Ҳазратдин илтифот кўрмадилар, кўнгиллариға дард қилиб, ўзлариға айдиларки: «Эй Машраб, бу даргоҳға келганинға етти йил бўлди, пиринг бир йўл Машраб деди, яна бир йўл Машраб десалар, ишинг тамом бўлур эрди, кел эмди, бир гуноҳ қилғил, Ҳудойим таоло бегуноҳни сўрмас экан, шоядки гуноҳ қилсам, гуноҳкорни сўрсалар керак. Ман бир зинойи ҳаром қилай, шоядки шу гуноҳим туфайли пирим этсаларки: «Элтинглар, бу Машрабни осинглар!» десалар, ўлсам армоним йўқ эрди», деб шоҳ Машраб бу ғазал (муҳаммас)ни ўқудилар:

Ваъда қилди бир келай деб кўзга уйқу келмади,  
Термулуб йўлида қолдим шўҳи бадху келмади,  
Неча келди шум рақиблар ул париру келмади,  
Дардидин ўлдим, вале дардимға дору келмади,  
Мен шаҳиди ишқ бўлдум қатраи сув келмади!...

деб шоҳ Машраб йиғлаб, чарх уруб, симоъ қилиб туруб эрдиларки, подшоҳиға оби таҳорат бергучи бир канизаклари бор эрди, ул канизак равоқдин бошини чиқориб, нозу карашма, бирла дедик: «Эй Машраб, то етти йилдурки, сани доғи ишқинг мени сийнамға жой олибдур, бугун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг, қиёматда мени қўлум сани этокингда бўлғой!» деди. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир нозанини моҳ талъат жилва қилиб турубдур, ани кўруб беҳуд бўлдилар.

Яна хушларига келиб дедиларки: «Эй, бор худоё, мунингдек офатижон бандаларниг бор экан» деб, яна бехуд бўлуб йиқилдилар. Бу воқеа Ҳазрати подшоҳимга аён бўлди. Қизил либос кийиб шамшири бараҳна бирла рўбару бўлдилар. Шоҳ Машраб Ҳазратни кўруб бу разални ўқудилар:

Девонадурман духтари султонни ажамга,  
То банда олдидағи зулфи санамга.  
Ногоҳ агар ичса эди бодани машъуқ,  
Ҳамдам бўлубон боргай эдук Макка ҳарамга.  
Машъуқ агар олса қиличини баякбор,  
Мен нола қилай Ҳазрати Эшон ҳашамга.

Эшон Офоқ Хўжам айдилар: «Эй сўфийлар, Машрабни тутунгларки, андин бўйи Мансури Халлож келадур!» Сўфийлар Машрабни тутуб боғладилар. Шоҳ Машраб Худойи таолога нолалар қилиб айдикки: «Эй, парвардигорим, эмди то тирикман, мунча таҳқиқлаб сўрсалар, тонгла қиёмат бўлгонда ўзинг қози бўлуб, шул гуноҳимни сўргонингча ҳам дийдорингга тўярман!» деди.

Бир гуноҳни устига юз минг надомат яхшидур,  
Юз туман ёзуқларим бору пушаймон манда йўқ!

Андин сўнг Шоҳ Машрабни подшоҳимни олдиларига олиб келдилар. Шоҳ Машраб Худойи таолога муножот қилиб айдиларки: «Эй поко парвардигоро, аҳадо, сомадо, маъбудо, агар сандин амр бўлмаса, бандаларинингни аёғларига бир тикон ҳам кирмас, бас, бу карашмалар сенга маълум» деб, бу разални ўқудилар:

Агар ошиғлиғим айтсам куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сирин баён қилсам тақи ул хонумон  
ўртар.

Қишига ишқ ўтидин зарраи етса бўлур гирён,  
Бўлуб бесабру бетоқат юрак бағри чунон ўртар...

АЛҚИССА, Ҳазрати подшоҳим айдилар: «Эй Машраб, мундор беадабликни ҳеч ким қилгон эмас» десалар. Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар.

Билдикки, отинг Ҳазрати ҳодийи музиллин,  
Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ эттим.

Подшоҳим буюрдиларки: «Девонани босинглар» деб. Сўфийлар девонани бостилар. Ҳазрати Офоқ Хўжам қиссаларидин муҳрларини олиб ўтқа ташлаб, қизитиб Машрабни гарданига бостилар. Авлиёуллоҳ каромат билан топтилар-

ким, одамзоднинг шаҳватининг жойи банди гардон томуридадур, ўшал томурни топиб муҳр босдилар. Ҳазратимни илтифотларига Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Бо ҳидоят дастгирам бош гумроҳ омадам,  
Бар тавофи даргаҳат имруз беғоҳ омадам, —  
(Ҳидоят йўлига бошлаш билан қўлимни тут,  
ҳузурингга гумроҳ сифатида келдим,  
Даргоҳингни тавоф қилиш учун бевақт бўлса ҳам  
келдим)

деб Шоҳ Машраб озурда хотир бўлиб, даргоҳдин мағмуми паришон аҳвол Ерканд тарафиға равона бўлдилар. Бир дамда ўзларини Ерканд вилоятида кўрдилар. Ерканд аҳли Машрабни кўрмоққа орзуманд эдилар, пешвоз чиқиб, кўрдиларки, бир қаландари оташ нафас, жазб ҳолатлиғ, сочлари патилапатила, гирди камариға тушгон, оташи ишқ жабҳасидин аланга уруб турубдур. Ерканд ҳокими келиб зиёрат қилди. Тамом одамларға беҳудлик рўй берди. Ерканд охундларининг шоғирдлари айдилар: «Эй, тақсир, Охунум, мундоғ банги қаландарни олдиға пешвоз чиқиб бўлурми? Тамоми аъзоси очуқ келодур!» Охунд айдилар: «Эй ёронлар, хато қилдинглар, бориб зиёрат қилинглари!» дедилар. «Бу хаёлни кўнгилларингиздин кўтаринглари!» дедилар. «Авлиёликни бир нишони шулдур», дедилар. Ёронлар келиб, мулоқот қилдилар. Шоҳ Машраб буларни бир назар била кибри анониятларини кўнгилларидин дур қилдилар. Ҳаммалари софдил бўлиб, арқоларидин сару побараҳна сайҳа тортиб, юрдилар, Шоҳ Машраб йўлда бу ғазал (муҳаммас)ни ўқидилар:

Кўрсат юзинг ўлурман, танда тоқат қолмади,  
Меҳрибоним қайдасан, жонда роҳат қолмади,  
Бало ёвди бошима, элда офат қолмади,  
Чектим жафони акнун танда ҳолат қолмади,  
Кездим шаҳру биёбон, дилда ҳасрат қолмади... —

деб, шоҳ Машраб шаҳарга кирдилар. Ерканд ҳокими кимхобдин тўшак солиб, Машрабни туширдилар. Машраб тўшак устиға ўлтуруб сийиб йубордилар.<sup>1</sup> Ҳоким айди: «Тўшакни сизни иззатингиз деб солиб эрдуқ, нега сийдингиз? Шоҳ Машраб айдилар: «Мундоғ иззатга сиймоқ керакдур!» Ҳокимдин сўрадиларки: «Сан ўзинг нимадин бўлгонсан?» Ҳоким айди: «Туфроқдин бўлгонман!» Машраб айдилар: «Андоғ бўлса сан ўз вужудингға сийорсанму?»...

1. Машраб гайри табиий қобилият орқали шундай қилиб кўрсатади. Аслида эса ундай эмас. Кейинроқ келадиган ҳикоятда бу яна аён бўлади.



Шоҳ Машраб «Оллоҳу акбар» деб чиқиб йўлга равона бўлдилар. Қаён борай деб андишманд бўлдилар. Ҳазрати Али набиралари Ҳазрати Имоми Жаъфар Содиқ Хўтан вилоятидадурлар, аларни зиёрат қилғоли Хўтан шаҳрига равона бўлдилар...

Шоҳ Машраб Хўтанга кирдилар. Охунд (лар) келиб пештоқни тубида ўлтуруб айтур эрдиларки: «Қаландар бўлсанг, шундоғ бўл, мунингдек оташнафас қаландар ҳаргиз келган эмасдур», деб ўртуруб эрдилар, Шоҳ Машраб пештоқнинг устидан шоша қилиб йибордилар. Охунд устига тушти. Охунд дасторин фашини силтаб ташлаб, муллоларига айдиларки: «Қаронглар, бу нечун иссиғ сувдурки, бўйнимдин оқадур?» Шогирдлари кўриб дедиларки: «Эй охунум, ўшал қаландардур, «чуш-чуш» деб сийиб турубдур!» Охунд айдилар: «Тутунглар, бу бангини ўлтурмак керак!» Шогирдлар тутуб келдилар. Охунд айдилар: «Эй банги, сен бизни ҳақорот қилдинг, расули Худо нима дебдурлар?» Машраб айдилар: «Қола аннабийу алайҳис-салом: «Уламоу уммати каанбиё бани Исроил». Охунд айдилар: «Муни билурсан, нима учун бизни ҳақорат қилурсан?» Машраб айдики: «Ўзунгиз айтурсиэки, сув етти марта юмаланса, халол бўлур» деб, мани сийдугум пештоқдин тушгунча ўн етти юмаланди, бу нечукдан ҳаром бўлур?» Охунд Машрабнинг сўзига офарин қилдилар. Айдилар: «Эй қаландар, илми қолдин хабаринг бор экан».

Андин сўнг Шоҳ Машраб «Мушкоти шариф» дан бир-икки масъала ароға солди, айдики: «Эй Охунум, бу иборатларни маънисини нимадур?» Охунд бирига жавоб бердилар. Иккинчиға сустроқ, учинчиға сукут қилиб, тамом шогирдлари ожиз бўлдилар. Шул замон Охунднинг бир солиҳ шогирдлари бор эрди, кўзин юмуб кўрдик, бир тева чўкуб ётибдур. Ул айди: «Эй Охунум, иш қабоҳат бўлди, қаландар илми ҳолдин хабардор экан, дарҳол кўпуб маъзур тутунг!» деб узр эттилар. Шоҳ Машраб ҳам аларға узр айтиб, ўзларини ошкоро қилиб, бу ғазални ўқудилар:

Ерни кўйида ўлган бормукин,

Бир ўлуб икки тирилган бормукин?...

Охунд бу ғазални эшитиб, дедиларки: «Кўрни тилагини икки кўзидур, ҳазратларига орзуманд эрдук», дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Охунум, мен сизға дуо қилайки, сизни пушти камарингиздин бўлган фарзандларға Худованди таоло илм ато қилсун, қиёматгача чироғингиз ўчмасун» деб, дуо қилиб, «Оллоҳу акбар» дедилар.

Шоҳ Машраб этган сўзларини йиғочга битиб ташлаб қўяр эдилар, Охунуни шогирдлари айдилар: «Шоҳ Машрабдин бир китоб қолса яхши бўлур эрди!»

Охунд айдилар:

— Тақсир подшоҳим, сиздан бир китоб ёднома қолса, дермиз!

Машраб айдилар:

— Охунум, китоб қолмағай дерман, агар мандин китоб қолса, аҳли муҳаббат ҳаром бўлурлар, — деб китобларини ўтқа ташлаб, бу ғазални ўқудилар:

Тамошо айламоққа гўшай бу анжуман келдим,

Хуруши булбули шўридадек суйи чаман келдим, — деб, Шоҳ Машраб Хўтан саҳросига равона бўлдилар. Кўрдиларки, бир деҳқон Шоҳ Машрабнинг ғазалларини андинмундин қармаб ўқуб юрубдур. Машраб келиб турганидин хабари йўқ. Машраб ҳам бориб, ҳайдаб қўйгон ерни бузавердди. Деҳқон кўруб деди:

— Эй масхара жинни, мени еримни на учун бузасан?

Шоҳ Машраб айдилар:

— Ҳеч масхара жинни сандек бўлурмуки, мани иморатимни бузуб турубсан?

Деҳқон айди:

— Иморатинг қайсидур?

Шоҳ Машраб айдилар:

— Ўқуб турган ғазалинг мани иморатимдур, бузуб ўқийдурсан, охир сўзум сандекларга қолиб хор бўлгунча куйгани беҳроқдур, — деб ўтга солмоғларини боиси бу эрди.

Андин «ху» деб равона бўлдилар. Шул юрганларича ўзларини Элада кўрдилар. Аммо Эланинг ҳокими Кунтожи эрди, ани бир қизи бор эрди Офоқ отлиғ. Ул қизнинг юз канизаги бор эрди. Бир кун канизаклари бирла сайри саҳро қилиб эрди. Ногоҳ Шоҳ Машраб рўбарў келди. Кўрдикки, қизларнинг ичида бир қиз келадур. Ани офтоб талъатидин олам мунаввар бўлубдур. Шоҳ Машраб деди:

— Эй бор худоё, мундоғ паризондни ўз қудратинг бирла пайдо қилибсан! — деб Шоҳ Машраб қизнинг қошига келиб, дедиларки: — Эй қиз, санинг муҳаббатинг мани кўнглумга жой олубдур! — деб қизнинг йўлини тўсдилар. Қиз отининг бошини тўхтатиб, вазирига дедикки:

— Эй вазира, бу қаландарни кўрдунгми, мен умрум ичида мундоғ журъатлик қаландарни кўрганим йўқ, санга ошиқ бўлдум, дейдур!

Вазира айди:

Эй малика, ажаб қаландар экан!

Қиз айди:

— Эй қаландар, менга рост ошиқ бўлсанг, бошимдаги ўтоғамга муносиб бир байт ўқиғил! — деди.

Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Ер ўтоғасин кўруб, телба кўнгул талминадур,

Жон қулини долбойидур бошидаги қарқараси! —

деб, Шоҳ Машраб қизни ўзини шаънига ҳам бу ғазални ўқидилар:

Дилбар юзини кўргали девона келибдур,

Юз нозу карашма била жанона келибдур...

Қиз айди:

— Эй қаландар, бурунги замонда Шайх Санъон деган авлиё ўтган экан. Тўрт юз мудирин бор экан. Бир тарсонинг қизига ошиқ бўлуб, ўз динидин ёниб, бутпараст бўлубдур. Эмди бу замонда сан манга ошиқ бўлсанг, ман қалмоқ бачадурман, дийнимга кирсанг, манга восил бўлурсан! — деди.

Машраб бу ғазални ўқидилар:

Ломаконни шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,

Анбиёву авлиёларни ҳувайдо қилди ишқ... —

деб, бу байтни ўқуб, қизга қараб дедилар:

— Эй тарсобача, сани сўзлатгану, мани бу ерларга келтирган Худованди таолонинг ўзидур, чора надур! — деб, бу ғазални ўқидилар:

Баски тарсо кўйида Шайх Санъон бўлмадим,

Даҳру жаннат куйдуруб, бир бутга майлон

бўлмадим,

Зийнати дунё ажойиб, бевафодур Машрабо

Тахту бахтига мнниб, бир дам Сулаймон

бўлмадим, —

деб, Шоҳ Машраб айдилар.

— Эй паризод, эмди ман санга ошиқ бўлубман, ҳар амрга буюрсанг, қилмоқдин ўзга чорам йўқдур!

Қиз вазирага қараб дедики:

— Эй вазира, бу девонани уйга олиб борғил, ман қайтиб келиб сўзга соламан! — деб, сайри саҳрога равона бўлди.

Вазира Шоҳ Машрабни ҳарамсарога элтти. Кечқурун бўлгач, малика уч канизаги бирла девонани олдиға келиб дедики:

— Эй қаландар, бу кеча ман сани меҳмон қиламан!

Машраб айди:

— Эй малика, мен таом емасман, манга бир коса сув бергил! — деди.

Қиз югуриб туриб, бир жом сув келтуруб девонага тутти. Девона жомни шаънига бу ғазални ўқудилар:

Ул жоми муҳаббатни тутган манга жонондур,  
Доғ устига доғ қўйғон бул сарви хиромондур.

Қиз бу сўзни эшитиб, завқ қилди. Вазирага айтди?

— Эй вазира, девонани Кўкшар яйлоғима олиб боргил, уч юз тева йилқимни боқсун!

Вазира «хўб бўлгай» деб Шоҳ Машрабни олиб, йўлга равона бўлдилар. Борғунча бу мустазодни ўқудилар:

Нозик бадано, сунъи худованди жаҳонсан,  
Эй офати даврон,  
Зулфайни мусалсал, қоши ёсан, на балёсан,  
Жон тахтига султон...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу сўзлар (ни) деб, неча манзил йўл юруб, Кўкшир яйлоғига етиб келиб, ул биёбонни шаънига бу мухаммасни ўқидилар:

Ёрни кўйиға ман бормоқ эдим,  
Ҳар неча жавру жафо кўрмоқ эдим,  
Қона тўлғон юрагим ёрмоқ эдим,  
Ой санамни кўйида юрмоқ эдим,  
Кокилини кўзима сурмоқ эдим...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб уч юз тевадан бир тева тутуб миндилар. Уч йил ёмғир суви ва гиёҳлар илдинини еб тева боқтилар. Шоҳ Машрабни ғаразлари бу қизни ишқи эрмас эрди, балки муддао бу эрдик, мундоғ нозанин дўзах ўтида куймагай, деб афсусу надомат бирла айдиларки: «Шояд бу мусулмон бўлуб, доҳили жаннати анбарсиришт бўлса» деб, уй йил рибзат тортиб, тева боқтилар.

Андин сўнг хабар Кунтожиге еттики: «Худопарастдин бир қаландар келиб, сизнинг қизингизга ошиқ бўлуб, уч йилдирки, тева боқадур».

Кунтожи буюрдик:

— Ул қаландарни мунда олиб келинглари!

Икки киши келиб айдилар:

— Машраб келмадилар!

Кунтожи сўрадик:

— Қаландар нима дейдур?

Алар айдиларки:

— «Тангри» деб йиғламоқдин ўзгасини англамадук, — дедилар.

Вазир айди:

— Андоғ бўлса, ошиқни келтурмоқға маъшуқ керак, қингизни йиборинг, олиб келсун!

Қунтожи қизига айди:

— Эй қизим, бориб ошиқнингни келтур, кўройин! — деди.

Қиз ўзиға оро бериб, ранг-баранг либослар кийиб, муносиб канизаклари бирла равона бўлди. Шоҳ Машраб кўрдиларки, маъшуқалари келадур... Шоҳ Машраб қизни шаъниға бу ғазални ўқидилар:

Бир боқишингга жумлаи жанона тасаддуқ,

Шахло кўзингга оқилу девона тасаддуқ... —

деб Шоҳ Машраб қарасалар, маъшуқлари қизил либослар кийибдур, анга бу ғазални ўқидилар.

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,

Ўт ёқди жаҳон мулкина ғавғо қилайин деб...

Қиз деди:

— Эй девона, рост дединг, Худойинг барҳақ экан, аммо, менинг дийнимға кирғил, андин кейин ишқ лофини урғил!

Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй тарсо, сен мусулмон бўлғил! — деб бу ғазални ўқудилар:

Ногоҳ кўрунуб кўзима дилбар боқа қолди,

Бурқаъ кўтариб, қошни ул дам қоқа қолди... —

деб Шоҳ Машраб тарсобачаға деди:

— Айғилки, ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ!

Қиз айди:

— Эй девона, таҳаммул қил, бир йиллиғ ибодатимни зое қилдинг, сен аввал зоҳирда мани дийнимға кирғилки, мунда бир тадбир бордур!

Девона кўрдикки, қизни сўзи бемаъни эмас, бир маслаҳат бордур, деб бу байтни ўқудилар:

Май бихур, масҳаф бисўзу оташ андар қаъба зан

Сокини бутхона бошу мардумозори макун.

Ва қаъба чи мерави, дилеро дарёб,

Беҳтар зи ҳазор қаъба бошад як дил!

(Май ич, йимонни куйдир, қаъбага ўт қўй,

Бутхонада сокин бўл-майли бироқ одамларга озор

берма!

Каъбага бориб нима қиласан, бировнинг дилини топ,  
Мингта каъбани зиёрат қилгандан битта дилни овлаган яхшироқ!)

деб тевадин ўзини ташлаб, қизни аёғини ўпти.

Қиз айди:

— Эй Утаган, кўрдингму, мани дийнимга кирди!  
(Шоҳ Машраб) бошини кўтариб айди:

— Эй тарсозода, ҳар нима десанг, қабул қилурман! —  
деб бу ғазални ўқудилар:

Офати жоним — ул санам, қоши қаросини кўрунг  
Икки юзига чўлғонур зулфи сиёсини кўрунг...

Ғазали дигар:

Ерни кўйида мен жавлон қилай,  
Итларига қўшулуб афғон қилай... —

деб Шоҳ Машраб бошларини кўтариб айдиларки:

— Эй тарсобача, хотиринг жамъ бўлсун, валлоҳки, ит  
эгасига эркалик қилғондек, санга тавозуъ қилдим!

Қиз отдин тушуб таклиф қилди. Шоҳ Машраб тевага  
миниб, йўлга равона бўлуб, борғунча бу ғазални ўқудилар:

Эй санам, ишқинг ўтида ман на қилай, қалмоқ  
эдим,

Мисли парвона бошингдин юз газ айланмоқ эдим.  
Бу муҳаббат даштида ман неча юрдум ой-у йил,  
У қуруғ нозинг била илкингни қайтармоқ эдим...  
Машрабо, умри Хўтанда бу қаро қонлар ютуб,  
Юнусим батни самак ўлғонда ман қармоқ эдим!

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб кўрдиларки, Кунтожи ўзини  
тахтдин ташлаб, икки қалмоқ икки қўлтуғудин кўтариб ту-  
рур. Кунтожи қичқириб дедикки:

— Эй хазиначи, хазинадан олтин олиб кел!

Хазиначи бир табақ олтуң олиб келди. Кунтожи айди:

— Эй девона, худонинг барҳақ ва дийнинг рост экан, та-  
мом умрумни Худодин беҳабарлик била ўткорибдурман, бу  
олтунни олиб, мани ҳақимга дуо қил, шояд, мусулмон бўл-  
гайман!

Кунтожи калима арз қилиб, мусулмон бўлди. Айдики:  
«Гувоҳ бўлунглар, Ҳазрати Офоқ Хўжамни пир туттум, шаҳ-  
римни ниёз қилдим!»

Шоҳ Машраб Кунтожи бирла хотунига намоз таълим бердилар ва нияти гусл ёд бердилар. Машрабни нафаслари таъсир қилиб, энагаларга айдики:

— Энагалар, ман қизимни Шоҳ Машрабга ниёз қилдим!  
— деди.

Энагалар қизни Машрабга қўшдилар. Қўкширга оқ уй тикиб, қиз анда гаронбаҳо бўркини эгри қўюб ўлтурғоч, Шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Кокулунгму анбардур, жон ичида жанон қиз,  
Юзларингму ахтардур, ёки моҳи табон қиз...

...Шоҳ Машрабда Ҳазратим берган Қуръон бор эди, ани ҳамойил қилиб юрур эрдилар. Бир ҳаромзодани хаёли Машрабга маълум бўлди. Шоҳ Машраб Уқсолур деган ерга келиб туртилар. Утун йиғиб, ўт ёқиб, ўтин устига чиқиб ўлтуруби, бу ғазални ўқидилар:

Зоҳид, мани айб этма, гул юз ила доғ ўртар,

Парвонани кўрдингму, ҳар кеча чироғ ўртар... —  
деб шоҳ Машраб қарадилар, ул ҳаромзодани кўрдилар, айдилар:

— Бери кел, қайта борурсан?

Ул ҳаромзода айди:

— Сизни ислом вилоятига борур эрмишсиз, деб эшиттим, ҳамроҳ бўлғоли келдим, — деди.

Шоҳ Машраб айдилар:

— Мунда чиқ!

Бу ҳаромзода айди:

— Тақсир, куярман! — деди

Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй ноинсоф, сани ғаразинг менинг Қуръонимда эрди, мунда кел, умид бирла келибсен, қуруқ ёнмағил! — деб ўтуи устидан тушуб Қуръонларини бердилар. Айдилар:

— Ҳар кимга ушбу сирни ошкор қилмағайсан! — деб йўлга равона бўлуб, бу муҳаммасни ўқудилар:

Дилрабо, ҳуснунгни кўрғон бормукин,

Кўрмайин, ҳасратда ўлғон бормукин,

Ҳасрату дардида сўлғон бормукин,

Васлига етмойин ўлғон бормукин,

Ғам била ҳасратга тўлғон бормукин?!...

---

1. Оловда куймаслик жуда кўп ўтмиш сўфийларда мавжуд бўлган. Ҳосир ҳам бундайлар кўп. Узинида Мирзаакрам Норбеков ва унинг шогирдлари олов устида зорадилар.

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу муҳаммасни ўқуб, арқола-рига қарасалар, ҳамроҳлари озук кўториб келадилар. Сўро-дилар:

— Кўтарганинг нимадур?

— Талқон, йўл узоғдур, тушасиз етиб бўлмас! — деди-лар.

Шоҳ Машраб:

— Эй бетаваккуллар, шаҳарда берган Худо чўлда бер-масму, ташланглар! — дедилар.

Ҳамроҳлари ночор бўлуб ташладилар. Уч кунгача оч юрудилар, охирул амр, очлиғдин йиқилдилар. Шоҳ Машраб табассум қилиб дедилар:

— Эй биродарлар, Он ҳазратиим дебдурлар: «Ар-рафиқ суммат тариқ». Ман сизларга ҳалво қилиб берай деб айди-лар.

Ҳамроҳлари эшитиб, кўпуб ўлтурдилар. Бир-бирларига айтур эрдилар. «Мундоғ тоғ ичида қазон йўқ, ширии йўқ, ёғ бирла ўтун йўқ, бу каромат эмасму? Мундин еган киши ал-батта пири комил бўлур. Ҳазратим билиб бизни Машрабга қўшуб эканлар», деб ўлтуруб эрдиларки, Машраб бир гўша-га бориб, косани ичига бир нимарса солиб, олиб келиб, ҳам-роҳларига туттидар: Дедиларки:

— Бу яхши халво турур, хўб тановул қилинглар!

Ҳамроҳлари гумон қилдиларки, Машраб жинни, девона-дур, бизларни тушаларимизни йўлда ташлатиб, «шаҳарда берган Худо чўлда ҳам берадур» деб эрди. Энди уч кундин бери очликдин ҳалоқ бўлуримизга кўзи етиб, бизларга бав-лу ғойти<sup>1</sup> қилиб, олиб келиб тутти ўхшайдур, деб харгиз емоққа рағбатлари бўлмади<sup>2</sup>. «Агар ушбунн еб авлиё бўла-дургон бўлсак, андоғ авлиёлиғдин кечдук, эмди бизга рух-сат беринг, Ҳазратимга қайтиб борайлик», — дедилар.

Булар аросидин бир йигит туриб.

— Тақсир, сиздин ижозат бўлса, ман йийдурман! — де-ди.

— Борақалло, эй ўғлум, кўзингни юмуб бир луқма ол-ғил! — дедилар. Бу йигит кўзини юмуб бир луқма олди.

Машраб айдилар:

1. Бавлу ғойит — сийдик ва ахлат.

2. Машраб сивани мақсадда шундай қилиб кўрсатган.



— Кўзингни оч!

Йигит кўзини очиб, кўрдик, бир калла қанд олиб, оғзига солди, асалдин ширинроқ, ютуб, шулзамон мардони Худодин бўлди ва аҳли динлардин бўлуб, камолат ҳосил қилди. Бу сажкиз кишига Машрабнинг қабоби ямон нимарса кўрунуб, навмид бўлуб, қолдилар. Шоҳ Машраб йўлга равона бўлиб, муни дедилар:

Зулфини савдосидин кўнглум паришондур бугун,

Жон висолин топмайин ер бирла яксондур бугун...—  
деб Шоҳ Машраб юрганларича ўзларини Модуда кўрдилар. Шул замон қирғизлар ядочи деб тутуб олдилар. Ҳар қайси бир киши бошига бир боғдин қамиш йиғиб, Машрабни қамиш устига чиқориб, атрофидин ўт қўйдилар. Ҳарчанд шамол қилдилар ўт ёнмади. Қирғизлар бу кароматни кўруб йиғлаб пушаймон бўлдилар. Машрабни аёғларига йиқилиб уэр эттилар. Анда Машраб муни деди:

Қамиш отиға миниб «чу» десам юрмайдур,

Зоти ёмон гала нокас мардини танимайдур.

Қуй-қўйлашиб, пудошиб қўйдилар нор ўтини,

Қаторлашиб пуфлашиб қамиши ёнмайдур,

Келибон ўтқа хитоб: «ошиқими куйдирма!».

Ошиқи куйғони кўбдур, халқ они билмайдур.

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй қирғизлар, ҳаёл қилмангларки, бу девонани куйдирамиз, деб. Мени аслим куйгандур, аммо сувратим юрубдур! — деб девона дарғазаб бўлуб, дуо қилдиларки: «Эй илоҳи, бу жамоани қирғизни бўлдум деганда бўзғайсан!»

Холо эрдона деган бир уруқ қирғизга Машрабнинг дуои бадлари етгандур.

Андин сўнг шу юрганларича ўзларини Тахтада! кўруб, бир кеча анда туруб, зиёрат қилиб, бу муножатни ўқудилар:

Зиёрат қилғоли келдим, аё Тахти Сулаймоним,

Ки тобдим Осаф ибни Бирхиёдек ибни Ҳоқоним! —  
деб Машраб Андижон йўлига равона бўлдилар. Бир лаҳзада ўзларини Андижонда кўрдилар. Сару побараҳна кўчаларда бу талқинни ўқуб юрур эрдилар:

Кеча базмингдин йироқ ишқ аҳли чандон йиғлади,

Куйди ҳам парвонаву шамъи шабистон йиғлади...—

деб Машраб Намангон йўлига равона бўлдилар. Бир лаҳза ўлтуруб ўзларига дедиларки: «Эй Машраб, сани кетганинг-

1. Тахтада — Тахти Сулаймон деган тоғли жой.

га ўн саккиз йил бўлибдур. Аввал хабар олғилки, анонг бор-му ё йўқму?» деб охиста келиб, эшикдан қарадиларки, чи-роғ ёниб турубдур. Аноларини сочлари оқариб, фарзанд фи-роқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлубдур, Қулоқ солдиларки, анолари Худоний таолоға муножот қилиб йиғлаб, ўлтурубдур. Дейдурлар: «Эй парвардигор, ўн саккиз йилдан бери мени боламни назаримдин ғойиб қилдинг! Худовандо, тирикли-гимда ўшал жигаримни гўшаси девона боламни манга кўр-сатғил! Андин сўнг берган амонатингни, олсанг розидурман!» деб зор-зор йиғлайдур. Шоҳ Машраб келганидин беҳабар эрди. Машраб ўзларини маълум қилиб, ҳозир бўлишларига бу ғазални ўқудилар:

Сахарлар тўлғониб, тўлғоқда топган бир боланг  
келди  
Юзи оқу қизил гулдек шаҳиди карбалонг келди  
Анодек меҳрибон қайда, атодек ғамгузор қайда,  
Алардек ич куёр қайда, ғариб ўғлон боланг келди.  
Бу Машрабни дуосини, худоё, ноумид этма,  
Кўзи ёшли, дили ғамлиғ, бу сарғайган боланг  
келди.

Анолари эшитиб:

— Вой болам! — деб беҳуд бўлиб йиқилдидар. Бир дамдин сўнг ўзларига келиб, бошларини кўтариб, фарзанди-нинг иштиёқидин бу байтни ўқудилар.

Умид бирла кўториб, катта қилғон болам келди,  
Шаҳидларни қаторига олиб ўзин болам келди  
Ғариб мунглуғ анонгман, менга ҳам сен бир дуо  
айла,  
Жигарлар ўртатибон, чарх уруб дайди болам  
келди.  
Кўзунгдин ўргилойин, жон болам, қай ерда  
эрдинг сен,  
Ки ишқ ўтиға ўртанган ўшал ғамлиғ болам  
келди! —

деб Шоҳ Машраб анолари ҳақида бу байтни ўқудилар:  
Ғамида ғусса ютуб, вой аном, адо бўлдуңг,  
Болам, болам дединг, ғам билан адо бўлдуңг!

Сингиллари эшитиб, бу байтни ўқудилар:

Худоға шукр айтаманким, ғариб бекас эдим,  
Эмикдошим, жигарим гўшаси эсон келди!

Шоҳ Машраб ҳам сингиллари ҳақида бу байтни ўқудулар:

Ки сен заиф дилу нотавон синглимсан,  
Кўзингни очғилу кўрғил ғариб аконг келди,  
Қариндошим, жигарим, қўлдошим, эмуқдошим,  
Бўғум-бўғум бўшошиб, бандидин жудонг келди.  
Фигон қилай яна, дўстлар, фалакни жавридин,  
Фалакни гардинидин чурғулуб аконг келди!...

Оналари айди:

— Болам, эшикни очқусини тополмай турубдурман, ул эшикни ёруғидин этогингни узатғил, кўзумга суртай! — дедилар.

Шоҳ Машраб жандаларини этокини узатдилар. Оналари олиб, кўзлариға суртуб, бу муножотни ўқудилар:

Худовандо, улуғ зотинг, сифотинг кибриё ҳаққи,  
Ҳабибинг Мустафову чор ёри босафо ҳаққи...  
Мани бечораву саргаштани овора ҳолиға,  
Иноят қил Ҳасан бирла Ҳусайни Карбало ҳаққи...  
Ҳазин кўнглимни шод эткил, кўрар кўзни кушод  
эткил,  
Ки тўқсон тўққиз отингу сифотинг кибриё ҳаққи...

Дарҳол кўзлари очилиб, бийно бўлди. Машраб шукрлар қилиб, бу муножотни ўқудилар:

Мани ёзуқларим беҳад, нечук қилғойман, эй Оллоҳ,  
Санга айтурға йўқдур тил, нечук қилғойман,  
эй Оллоҳ?!

Бу муножотни ўқуб дедиларки:

— Эй бор худоё, фарзандим кўзини ёши ҳурматидин кўзумга ёруқлик бер! — деб жандани этокини кўзиға суртти. Шул соат кўзи равшан бўлди. Ташқори чиқиб, Машрабдин уч марта айланиб: «Эй болам, сандин розидурман!» деб, Худойи таолоға муножат қилиб айдикки: «Эй бор худоё, эмди амонат жонни ол, санга тобшурдим, Аллоҳу акбар!» деб жон баҳақ таслим қилди...

Машраб аноларини такфин ва тажҳиз қилиб, дафн қилдилар. Ҳамширалари аноларига бу марсияни ўқудилар:

Дариғо, дунёдин ўтти жамини беку султонлар,  
Қаро ерга ниҳон бўлди ҳама кокил паришонлар,  
Не мардонлар фано бўлди, бу дунёдин  
мусулмонлар,  
Қаро ер остига кирди ҳама хон бирла хоқонлар,

Ғаниматдур, биродарлар, ки бизга ушбу  
давронлар!

Ажал боди баҳори охир хазон қилди,  
Кўнгулни булбули ушбу аламлардин фиғон қилди,  
Жамиъи аҳли оламни кўруб бағрини қон қилди,  
Не одамларни, дўстлар, бу ўлум бехонумон қилди,  
Ажални дастидан ҳеч ким қутулмас,  
эй мусулмонлар!...

Яна Шоҳ Машраб мухаммасни ўқудилар:

Нечук айлай, аё дўстлар, ки жонимдин айрилдим,  
Тириклик боиси ул муниси жонимдин айрилдим,  
Ушал наврастаи гулбарги хандонимдин айрилдим,  
Булбулман, булбули шайдо гулистонимдин  
айрилдим,  
Асолат бирла ҳоқон ибни хоқонимдин айрилдим!  
Дариғо, ул қади боло, дариғо, сарви аръардек,  
Дариғо, ул хати зебо, дариғо, сунбули тардек,  
Ки охир айладинг бу жумлани куйган қаро ердек,  
Қаро ер остида ётти ўшандоғ нозпарвардек,  
Жаҳон майдонида Рустами Достонимдин  
айрилдим!...

### *Муҳаммас*

Эй сафобахши баҳорим, бўстоним қайдасан,  
Нури дийдам, мушфиқим, ороми жоним қайдасан,  
Эй тириклик боиси, сарви равоним қайдасан,  
Ялғуз уйларда ётурсан, меҳрибоним қайдасан,  
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним  
қайдасан?!  
қайдасан?!

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб оналарининг қабрида қирқ  
кун тиловати Қуръон қилиб, андин сўнг бир кеча ётиб, исти-  
хора қилиб, кўрдиларки, Бухорода — мадрасаи Кўкалдошда  
Мавловий Шариф етти туман кишига дарс айтурлар. Шул  
бузургни зиёрат қилмоқни ихтиёр қилдилар. Бозор бошига  
келиб, шўри фиғон қилиб, бир неча ғазал ўқудилар:

Ишқ ўтига ўрнатиб, девона бўлган ўзгинам,  
Куя-куя кул бўлуб, ўтдек туташган ўзгинам,  
Ошиқи дийдорман, эй ёр билмассан магар,  
Мансури Халлождек дорга осилган ўзгинам...

### *Ғазали дигар*

Нолаву оҳим била дўзахни куйдурсам керак,  
Ҳам беҳишту жаннати маъвони куйдурсам керак.

Қудрати бирла яратти Ойу Кунни биру бор,  
Ут солиб етти Фалак даврини куйдурсам керак...

*Муҳаммас*

Кўргали ҳусни жамолингни гирифтор ўлмишам,  
Фурқатингдин ҳажр аро ҳар кеча бедор ўлмишам,  
Ул қаро зулфунг тори бўйнимга зуннор ўлмишам,  
Иштиёқи ёрдин Мансури бар дор ўлмишам,  
Тиғи зулмингдин жонимга бир ситамкор  
ўлмишам... —

деб Бордон кўрғонга чиқиб, атрофи жавонибга наззора қилиб, Бухоро тарафига равона бўлдилар. Зероки Мавлоно Шарифни иштиёқлари Машрабни беқарор қилди. Девона Бухоро бормоқни муқаррар қилдилар. Айдилар:

— Сармаст, мани эшакимни эгарлаб кел!

Сармаст бориб, эгарлаб келди. Шоҳ Машраб эшакларига миниб, парвардигори оламга муножот қилиб, зор-зор йиғлаб турдилар. Тамоми халқ афсуси надомат қилдилар. Девона қўлларига сетор олиб, йўлга равона бўлиб бу ғазални ўқудилар:

Дунё сариға бир келибон ғамзада кеттим,  
Бир лаҳза дам олмай турубон лаҳзада кеттим...

АЛҚИССА, Машраб Намангондин чиқиб шул юрганларича Хўжанд шаҳрига дохил бўлдилар. Ушал вақт Хўжандга Оқбўтабий ҳоким эрди. Шоҳ Машраб кўкнорхонага тушдилар. Хўжанд шаҳрига шуҳрат бўлдики, Хўжам подшоҳни Машраб деган бир муриди келибдур, деб. Улуғу кичик тамоми Хўжанд халқи Машрабни кўргали келдилар. Кўрдиларки, бир қаландари қавий ҳайқал, қизил юзлук, шаҳло чашм, пайваста абру, чочлари патила-патила, гирди камарига тушган, муҳаббатни майига ғарқ бўлгон, итларини бўйнида олтун ҳалқа уруғлуқ. Ҳалойлиқ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар.

Шул соат Оқбўтабийга хабар еттики, Машраб деган бир девона қаландар келибдур, авлиёи тахти қабобий эрмиш, ҳар ким анга ихлос қилса, ўшал ихлос қилгон одамга носазо сўзлар айтур эмиш, деб. Оқбўтабий: «Машрабни айтиб кел», деб бир кишини йиборди. Шоҳ Машраб сетор бирла бу ғазални тараннум қилиб ўлтуруб эдилар:

Эйки сан ошиқ бўлубсан, мосуводин кеч сано  
Бу сўзимни эшитиб, ўзингни ўтқа ур сано... —

деб Шоҳ Машраб ўлтуруб эдилар, бир киши келиб дедики:

— Эй девона, сизни Оқбўтабек чорлайдур!

Шоҳ Машраб айдилар:

— Оқбўтанг кимдур? Номаяқул сўз дема! — деб, сеторларини ерга урдилар, парча-парча бўлди. Ултурғон халойиқ муни кўруб, туруб тарқашиб кеттилар. Андин сўнг сеторни тузатиб, яна бир ғазал ўқудилар:

Сеторим ториға жон риштасидин тор эшиб олсам,  
Аниким ноласидин бевафони кўнглини олсам...

АЛҚИССА, Оқбўтабийнинг йиборган кишиси келиб дедики:

— Ул қаландар сизга носазо сўз айтур!

Оқбўтабий дедики:

— Ҳар ким анга ихлос қилса, носазо сўзларни айтур эмиш, деб эшитиб эрдим. Рост экан. Мандин лозимдурки, ўзум бориб кўрсам! — деб, бир семиз қўй, бир тўққиз нон. бир машруҳ жома устига қўюб, олиб бордилар. Оқбўтабий дарҳол оддин тушуб, салом қилиб турди.

Машраб айди:

— Эй Оқбўта, шул ишни аввалдин қилсанг бўлмас эрдиму?! Эмди менга баргсабз олиб келдинг, мандин ҳам бормак лозим бўлди! — деб қўй бирлан нонни кўкнорхонага бердилар. Тўнни ўзлари кийиб, Оқбўтабийнинг ўрдасига равона бўлдилар. Ҳалойиқ ҳам орқаларидин эргашиб, юрдилар. Оқбўтабий ўзидин илгари киши йибориб, етти қабат тўшакни заррин солдурди. Андин сўнг Шоҳ Машраб келиб, тўшак устига ётиб, сийиб юбордилар. Бу ҳолни Оқбўтабий кўруб дедики;

— Эй тақсир, бу тўшакларни сизни иззатингиз учун солиб эрдук, муни устига сийдунгиз?

Шоҳ Машраб айдилар,

— Мундоғ иззатга сиймоқ керак! Тўшакка сиймай санга сияйму?!

Оқбўтабий деди;

— Бу нима деганингиз?

Машраб деди:

— Эй Оқбўтабий, сени аслинг нимадин офарида бўлгон! Оқбўтабий айди:

— Туфроқдин офарида бўлгон! — деди.

Шоҳ Машраб деди:

— Андоғ бўлса, сан ўз вужудингга сиярмусан?

Андин сўнг Оқбўтабийнинг ихлоси қавий бўлуб: «Мурид бўлай» деди. Шоҳ Машраб илтифотга олиб, бу ғазални ўқудилар:

Ишқ мазҳабида тоқату тақво чидаёлмас,  
Тасбиҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас...

*Ғазали дигар*

Дилбари хуш адойи ман, мунча чучук бўлурмисан,  
Омада дар канори ман бир даме ўлтурурмусан?...

*Байт*

Қайси кишини сан каби гулизори бор,  
Қайси чаманни гул уза тири мижжангча хори бор?...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб, Тошканд шаҳрига кириб бордилар, кўрдиларки, бир хожа тўйи олий қилибдур. Бир майдонга қалин гиламлар солибдур. Тўққиз қат кимхоб тўшаклар солибдур. Охунди Аълам учун жой ораста қилибдур. Машраб шул келганларича Охунди Аъламнинг ўрунлариға чиқиб, ётиб сийиб қўйдилар. Ҳожа кўрдикки, бир девона маст илми ҳолдин хабардор экан, деб хожа айди:

— Даҳл қилмагангизлар!

Ул тўшакни олиб, ўзга тўшакни солдилар. Оз фурсатдин сўнг Тошканд халқи келдилар. Шоҳ Машраб дарҳол ўрунларидин кўпуб, пойгоҳга тушуб турдилар. Ҳамма халойиққа жой кўрсатиб турдилар. Тошканд халқи кўруб, хайрон қолдиларки, девона бизларни ҳеч кўрмай, улуғ-кичикни билиб ўрнига ўтқузди. Шоҳ Машраб аларга қараб, бу байтни ўқудилар:

Билмадим мен шу шаҳарни шайхи-ю мулласи ким,  
Бул киши ким, бул киши ким, бул киши ким,  
буси ким!

Бу муҳтамил сўз Тошканд аҳлиға андак гарон келиб, бир-бирлариға қараб дедиларки:

— Бу қаландар бизларни ҳақорат қилди!

Анда Охунди Аълам айдилар:

— Эй халойиқ, бу девонанинг сўзи беихтиёр муҳтамил тушти, яъни булар киму, булар кимдур, деб сўрайдур!

Бир лаганда ошу тўққиз нон ва бир қўйни тўшини устиға қўюб, келтируб, олдиға қўйдилар. Бир-икки луқма еб, болик-

лариға бердилар. Охунди Аълам бирла муллолар ғазалхон-  
лиғ бўйса деб орзу қилдилар. Шоҳ Машраб сеторларини  
қўллариға олиб, бу ғазални ўқудилар:

Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним мани,  
Осмонни пора қилди оҳи афғоним мани...

*Ғазали дигар*

Қарорим йўқ кўнгилда лаҳзаи девона Машрабман,  
Куюндек ҳусни шамъин айланиб парвона  
Машрабман...

*Ғазали дигар*

Чиқсам кўчага шохсуворим келадур,  
Гул ғунчасидек лола узорим келадур..

*Ғазали дигар*

Тулгун май ичиб лола узорим келадур,  
Ҳар ён тараниб кўзи хуморим келадур...

Сўнг Шоҳ Машраб ҳу деб Туркистон тарафиға қараб ра-  
вон бўлуб боргунча йўлда бу ғазални ўқудилар:

Эй санам, ҳажринг ўтида сийна бирён бўлғуси,  
Кўрмасам ҳар дам юзунгни юрогим қон бўлғуси...

АЛҚИССА, бу муножотни ўқуб Туркистонға кирдилар.  
Шул келганларича бориб, ҳазрати Султонни марқадлариға  
миндилар. Ҳазрати Султон Шоҳ Машрабни кўториб ташла-  
дилар. Яна миндилар ва дедиларки;

— Эй бузругвор, бардошт қилинг, ман меҳмондурман!

Андин сўнг Туркистон аҳли бу ҳолдин хабар топиб кел-  
дилар. Қарасалар, бир қаландари қавий ҳайкал, сурхина  
рўй, шаҳло чашм, пайваста абру, сочлари фатила-фатила,  
гирди камариға тушган, муҳаббат бодасиға фарқ бўлган.  
Ҳалойиқ Шоҳ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар.  
Андин сўнг ҳаммалари келиб, Шоҳ Машрабни зиёрат қилиб,  
қўлларини юзларига суртобердилар. Андин сўнг Туркистон  
аҳли: «Бу авлиё эмасму?» деб, улуғ-кичик ҳаммалари ихлос-  
ларин ҳаддин зиёда қилдилар. Шоҳ Машраб айдилар:

— Эмди бунда тургудек бўлмадим! — деб Тошканд шаҳ-  
риға қараб равон бўлдилар. Шаҳарға киргунча бу ғазални  
ўқудилар:

Эй дўстлар адо бўлдум, ул кўзи хуморимға,  
Жонимни фидо айлай келса бу нигоримға

*Мустазод*

Бу хаста вужудимни мани ўртади бир йўл,  
Ул ғунчаи хандон,  
Ул гул юзин ишқида ман вола чу булбул,  
Ул зулфи паришон...



деб Шоҳ Машрабнинг яна Тошкандга келганларини Оқбўтабий англаб деди:

— Эй вазир, билгилки, мани кўнглум Шоҳ Машрабга мойил бўлубдур! — деб, вазирга бир йўрға от бериб, йўлга равон қилди. Муддаоси шулки, Машрабни мунда олдуруб келиб, мурид бўлмоғчи. Оқбўтабий одам йиборганини англаб: «Бул ер ҳам бўлмади!» деб, Хўжанд тарафига равона бўлдилар. Йўлда боргунча бу ғазални ўқудилар:

Худони шавқида йиғлаб ўзум овора Машрабман,  
Кўзи ёшлуғ, қади хамлиғ, вале садпора

Машрабман...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб Хўжанддин чиқиб, Маккага равона бўлдилар. Дарёни Шўрға еттилар. Аммо дарёни шўрни лабида бир шаҳар бор эрди, ул шаҳарнинг отини Банди-Суврат дер эрдилар. Банди Сувратни маъниси шу бўлурким, ҳар кишиким Бунди Сувратга кирса, ани чиқмоғи йўқ эрди. Ани дарвозасида бир қизни сувратини тортиб қўюбдурлар. Ҳар ким ул шаҳарга кирса, шул сувратга гирифтор бўлуб, чиқолмас эрди. Агар савдогарлар борсалар, савдоларини шаҳарнинг ташида қилур эрдилар. Шоҳ Машраб Банди Сувратга киргунча бу ғазални ўқудилар.

Шоҳиди салтанат манам, воизи минбар омадам,  
Хизру Масиҳи дамбадам, Марями Асфар

омадам... —

деб Шоҳ Машраб бу муножотни ўқуб, Банди Сувратга кириб чиқтилар. Андин кейин Шоҳ Машраб Маккага равон бўлдилар. Неча манзил йўл юруб, дарёни Шўрға еттилар. Кўрдиларким, кемага етти-саккиз минг савдогар кирибдурлар. Шоҳ Машраб кўрдиларким, бир қаландари ғайри муқаррар кеманинг устида бутларини мингаштириб ўлтурубдур. Ул ҳам Шоҳ Машрабни кўруб ҳайрон қолди. «Ман мулки Эронда юруб мундоғ қаландарни кўрганим йўқ» деб, Шоҳ Машраб қошлариға келди:

— Эй қаландар, отингиз нимадур? — деб сўради.

Анга айдилар:

— Отим Машрабдур!

Яна қаландар сўради:

— Машрабнинг маъниси нима бўлур?

Шоҳ Машраб айдилар:

— Ҳар киши манга рафиқ бўлса, ман анга рифоқат қилурман, ҳар қозонга тушсам қайнайдурман, анинг учун отим Машраб қўйдум! — дедилар.

Машраб ҳам қаландарнинг отини сўрдилар. Ул қаландар айди:

— Отим Понсадмани — деди.

Машраб бу ғазални ўқудилар:

Гуфт шайтон як мане афтод тавқи лаънаташ,  
Вой бар он кас, ки бошад номи у понсад мани!  
(Шайтон бир марта «мен» деб бўйнига тавқу

лаънат осилди,  
Понсадман, яъни номн «беш юз мен» бўлган  
кишининг ҳолига войлар бўлсин!)

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу байтни ўқуб, Маккага бормай қайттилар. Шоҳ Машрабни эргашиб борган мудирлари айдиларким:

— Бизлар Кошғардин, Ерканддин эргашиб келиб. Маккани тавоф қилмай қайтармизму? — деб афсус қилдилар ва: — Бизларни маҳрум ёндурдингиз! — дедилар. Эрсан Шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Бу тану хокинию руҳи равонни на қилай?  
Бўлмаса қошимда жоннон бу жаҳонни на қилай?...  
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак,  
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?

*Ғазали дигар*

На хожат ҳажжи акбар Кошғар узра мазорим бор,  
Зиёи чашмима хоки даридин сурмазорим бор... —  
деб Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй боликларим, икки қўлимни аросиға боқинг! — дедилар.

Боликлар боқсалар Макка икки қўлларини аросида жилва бериб турубдур. Машраб Маккаи муаззаманинг шаниға бу ғазални ўқудилар:

Қилди манга бир жилва ногаҳ боқа қолдим,  
Ул жилвага дунё биладинни сота қолдим...  
Машраб йўлида волаву ҳайрон юрур эрдим,  
Ул каъбаи мақсудни кўргач ёна қолдим! —

деб андин сўнг Шоҳ Машраб боликлари бирла Каъбаи шарифни зиёрат қилиб, Ҳиндистон тарафиға қараб равон бўлдилар Англадиларким, Ҳўжам Подшоҳ соҳибқирон Ҳиндистонға келибдурлар, деб. Андин кейин Шоҳ Машраб қўлларини орқалариға боғлаб, арғамчини бир учини ўзларини бўйниларига боғлаб ва бир учини итларини бўйниға боғлаб, Ҳўжам Подшоҳ соҳибқиронни ҳизматлариға равона бўлуб, борурда бу мухаммасни ўқудилар:

Эй санам, гул-гул ёниб, май ичиб рахшонмусан,  
Барқ уродур гул юзунг, ҳай-ҳай моҳи тобонмусан,  
Хуш келиб бергил жавобим жонмусан, жононмусан,  
Оллоҳ, оллоҳ, тоза кўнглум тахтига султонмусан,  
Шишан жонимга тушган бир пари жавлонмусан?!...  
(Ғазали дигар)

Сани кўрдум, ҳама элни унутдум,  
Жаҳон лаззатидин кўнглум совутдим...  
Эрур Машрабга ишқинг жовидони,  
Кечани ишқ ила кундек ёрутдим!

АЛҚИССА, Шоҳ Машрабнинг Хиндистонга келганини  
Абулғозихон англади. Фарғона заминдин бир қаландар ке-  
либдур, ажаб оташ нафас, тахти қабобий эрмиш деб, қалан-  
дарга киши йиборди. Йиборган кишиси келиб дедики:

— Эй Машраб, сени подшоҳ чорлайдур! — деган он:

— Абулғозинг ким? деди.

Бул сўзни ул киши келиб, Абулғозихонга маълум қил-  
ди. Абулғозихон дарғазаб бўлуб, дедики:

— Эй уламо, вой умаролар, ман авлоди Амир Темур  
бўлсам, подшоҳи исломни номаъқул этган кишини на қил-  
моқ керакдур?

Уламолар айдиларки:

— Мундоғ кишини фил олдиға ташламоқ керакдур! —  
дедилар.

Подшоҳ айдики:

— Халойиқ жамъ бўлсунлар!

Ҳамма халойиқ жамъ бўлдилар. Шоҳ Машрабни олду-  
руб келдилар. Анда Хўжам Подшоҳ соҳибқирон марҳамат  
қилиб дедилар:

— Машраб бизнинг шеримиз турур, анга ҳеч фил тенг  
келмас! — дедилар.

Абулғозихоннинг бир фили маҳмуди бор эрди, подшоҳ  
шу филни олиб келсунлар, деб буюрди. Анда етти саккиз  
ҳинду қўлида темир чангал бирла олиб келдилар. Шоҳ Маш-  
раб «Оллоҳу акбар!» деб филни тумшуқиға бир тептилар.  
Фил шул қочқонича қочиб, Шоҳ Машрабга ҳаргиз рўбарў  
келмади. Шоҳ Машрабни бутлари оқсаб, бу ғазални ўқуди-  
лар:

Аз пой задан аст банди шикаст,  
Дар мулки Ҳинд Темурланги вилоятем!...

(Тепиш билан оёқ банди синди,

Ҳинд юртида вилоят Темурланги (Чўлоқ

Темур) миз.

Андин қейин подшоҳ бу ҳолни кўруб, ҳайрон бўлуб. Шоҳ Машрабни ўрдасига олиб борди. Шоҳ Машрабга етти сапир олтун ниёз қўйди ва дедик:

— Мандин сизга беадаблик ўтти, аммо мен сизни таниганим йўқ! — деб кўб узрлар қилиб йиғлади. Анда Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Гулшани боғ аро бугун булбули хуш хабар ўзум,  
Бир бути бебадал учун ошиғи дарбадар ўзум... —  
деб Шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб, олтуни пушти по уруб, торож қилдилар.

Абулғозихоннинг бир Сиёҳпуш деган душмани бор эрди. Мудом уруш қилур эрди. Абулғозихоннинг бир ўғли бор эрди, бисёр баҳодир эрди. Ҳар вақтки урушқа кирса, то ўқу доруси адо бўлмай, маъракаи майдондин чиқмас эрди. Подшоҳ ўғлини кўргунча юраги қон бўлур эди. Ушал ўғулни Машрабнинг олдиларига олиб келди ва айди:

— Бу ғуломбачангиз ҳар вақт ғазотга кирса, то кўргунимча тоқатим қолмайдур. Ҳазратингиздан табаррукона дуо умид қиламиз!

Шоҳ Машраб айдилар:

— Андоғ бўлса, бир қоғоз била бир довод қалам олиб келинглар!

Олиб келдилар. Шоҳ Машраб уч мартаба «Машраб, Машраб, Машраб», деб битиб қўйдилар. Подшоҳ қўлига олиб қарасаки, ҳеч бир оят ва ҳадисдин ёзилмабдур, балки Машраб ўз номини уч мартаба ёзибдур.

Подшоҳ айди:

— Эй тақсир, сизнинг бир оғиз дуойингиздин умидвор эрдим, ўзларини номларини уч мартаба битибдурлар!

Шоҳ Машраб айди:

— Эй беихлос хон, бир товуғ келтурғил! — дедилар.

Хон бир товуғ келтўрди. Бул товуғни бўйнига боғлаб, уч йўл ўқ отдилар, ҳеч кор қилмади. Ўқ товуққа тегди, яна ерга тушди, асло таъсир қилмади. Бу кароматни сариҳ Машрабдин кўруб Машрабни олдиларига бир сапир зар қўйди. Тамоми нағмаи арғанунни йиғиб, бир ҳинду-бачани ясотиб олиб келдилар. Машрабни андоғ димоғлари очилиб, Машрабхонлиғ қилурмикин, деб турур эрдилар. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир ҳиндубачанинг икки ошуғида икки зангула боғлоғлиқ, яна икки кифтида зангула боғлоғлиқ, келиб Шоҳ

Машраб олдиларида турди. Шоҳ Машраб ул ҳиндубачанил  
малоҳатиға бу байтни ўқудилар:

Эй, гунчаи лаълинг қилибон турли малоҳат

Вой, тоза ниҳоли чаманоройи назокат,

Мақбулсин, эй дилбари лаҳжа бағоят

Қаҳ қаҳ куласан, бу на ажойиб, на қиёмат

Ҳай-ҳай, на жафо қилса санам жонима роҳат!... —

деб Машраб Бухоро тарафиға равона бўлдилар. Неча кун  
манозил тай қилиб, Бухорога дохил бўлуб, бир жойга ббриб,  
бир остонаи кўруб, боликларидин сўродиларки:

— Бу нечук остонадур? — дедилар.

Боликлари айдилар:

— Ҳазрати Нақшбанд остоналаридур! — дедилар.

Анда шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Бухоро ин Бухоро метавон гуфт,

Баҳораш аз зимистон метавон гуфт.

Баҳовуддин набодаш дар Бухоро

Фаранги кофиристон метавон гуфт! —

(Бухорони Бухоро дейиш мумкин<sup>1</sup>)

Баҳорни қиш дейиш мумкин,

Бухорода Баҳовуддин (Нақшбандий) бўлмаса эди,

Қофирларнинг фарангий юрти дейиш мумкин)

деб Шоҳ Машраб зиёратға кирдилар. Намози хуфтон (дин)  
кейин чиқиб, Бухоро шаҳриға кирдилар. Боликлариға деди-  
лар:

— Эй Пирмаст, бу кеча сан хароботхонани ясотиб ётғил!  
— дедилар.

— Мен зоҳидларни масжидлариға кирай, — деб Бухоро-  
ни бир Судон деган маҳалласи бор эрди, шул маҳаллада бир  
масжид бор эди. Шул масжидда намози хуфтонни ўқуб чи-  
қиб эрдиларки, Шоҳ Машраб етиб келди. Қаросалар сўфи  
масжиднинг эшигини беркитиб турубдур. Шоҳ Машраб ай-  
дилар:

— Эй сўфи, эшикни ёбманг, ман мусофирдурман, бу ке-  
ча масжидда бўлодурман! — дедилар.

Сўфи қараса, ажаб бир қаландар экан деб, масжидни  
калидини шоҳ Машрабға берди. Масжидни эшигини очиб,  
масжидни ичига кирдилар. Кўрдиларки, жойномоз солиғлик  
турадур. Меҳробға бир қозиқ қоқуб эшакларини меҳробни  
ичиға боғладилар. Ўзлари минбар қошиға бориб ёттилар.

1. Бу шеър мисраси бошқа китобларда: «Бухорон Муғоро, яъни  
бутлар ясоладиган жой дейиш мумкин» тарзидадур.

Сўфи вақти саҳарда масжидга келди, кўрдик, масжидни ичидан гулдираб овоз чиқодур. Ҳайрон бўлуб, чироғ ён-дур, кўрдик, бир оқ эшакни масжидни меҳробига боғлаб қўюбдур. Сўфи бу ҳолни кўруб: «Ҳай, дариг, душманлар бу эшакни боғлогондур!» деб, қўлига асосин олиб, ҳайдаб, асо бирла бир-икки эшакни урди. Сўфи кўрдик, нўхталик зан-жир бирла боғлоглиғ турур. Эшакни масжиддин чиқариб, бир дарахтга боғлаб, қўюб, масжидни кириб кўрдик, кечаги қаландар масжидни бир кунжида ётибдур. Сўфи айди:

— Эй қаландар, нечук жонсан, турғул намоз вақтидур!

Уч мартабағача сўфи индоди, қаландар бошини кўтар-мади. Сўфини аччиғи келиб, асо бирла беш-олти урди. Яна индамади. Сўфи айди:

— Қандоғ қаландарсан, фарз вақти бўлай деди!  
Овоз чиқмади. Сўфи айди:

— Эй қаландар, Худойи таолонинг ҳаққи ҳурмати учун бошингни кўтарғил! — деди.

Андин кейин шоҳ Машраб бошларини кўтордилар. Сўфи кўрдик, ажаб ҳол: икки кўзидин ёш тарам-тарам кетиб бородур...

Муллолар айдилар:

— Турғил, сани мавлоно Шариф чорлайдурлар!  
Шоҳ Машраб айдиларки,

— Мавлоно қайдадурлар?

— Мадрасан Кўкалдошда турурлар, алҳол дарс айтиб ўлтурубдурлар!

Шоҳ Машраб айдилар:

— Андоғ бўлса, мани Охунднинг олдиларига олиб бо-ринлар! — дедилар. Мувофиқи шариат қандоғ ҳукм бўлса, лойиқ кўрмагим бордур! — дедилар.

Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй ёронлар, мани эшамгимни топиб берсанглар, ми-ниб борсам! — дедилар.

Эшагини олиб келиб бердилар. Анда Шоҳ Машраб бу ғазални ўқудулар:

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балосидин

Юраклар рахналар бўлди бу кўнглум можаросидин... —  
деб Шоҳ Машраб эшакка тескари миниб, мавлоно Шариф

хизматлариға равона бўлуб, йўлда боргунча бу ғазални ўқудилар:

Кел, эй дилбар, баён айлай санга бир-бир  
жудолиғни,

Қи шояд раҳм этиб солсанг ўзунга ошнолиғни... —  
деб Шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб борур эдиларки, бир мулло келиб гарданлариға бир мушт урди:

— Эй банги, қаландар, хилофи шаръ қилдинг, чароки эшакка тесқари миниб борурсан! — деди.

Машраб айдилар;

— Мунча муллолар орқамдин келодурлар, беадаблиғ бўлмасун деб, эшакка тесқари миндим!

Муллолар муни эшитиб дедиларки:

— Бу қаландар аз ёрон экан, Охундни олдилариға олиб борсак, бу бизларға сўз бергудек эмас! — деб офарин қилдилар.

Шоҳ Машраб мадрасаға олиб келдилар. Шоҳ Машраб кўрдиларки, беш-олти юз мулло Охунднинг хизматларида дарс ўқуб турубдурлар. Шоҳ Машраб салом қилдилар ва Охунднинг ёнлариға бориб ўлтуруб, бу ғазални ўқудилар:

Анал ҳақ гўйи ижодам, тажаллий парвари ишқам,  
Мудом аз хуни Мансурам, майе дар соғари ишқам...

(Анал ҳақ (мен худоман) деювчиман, ишқнинг тажаллий парвариман,

Мансур қонидан бўлган шаробман, ишқ қадаҳида эса майман).

Андин сўнг муллолардин ғурур чиқтиқи: «Ба чи маъни мавлоно Шарифдин тақаддум қилур?» деб, Шоҳ Машрабға қасди озор қилдилар. Мавлоно ботин кўз бирла хабар олсалар, авлиёйи тахти қабобий экан, баланд ҳиммат қаландар кўринур. «Ҳаргиз анга дахл қилмангизлар, солики комил кишидур!» дедилар. Охунд муллоларнинг кўнгли учун дедиларки: «Эй девона, булар нима дейдурлар?»

Бу замон Машраб айдилар:

— Булар меҳробға бир эшакни имом деб ўтқорибдурлар. Рост турурлар, олти пулға олғон кафшларини ўғри олмосун, деб, ўзлари орқоларида қўймай, олдилариға қўюб, намоз ўқийдурлар, эшагимни ўн беш тангаға сотиб олғон бўлсам, киши олиб кетмайдурму?! — дедилар.

Охунд бу сўзни эшитиб хушвақт бўлдилар. Охунд айдилар:

— Эй, Машраб, ано вилояти Бухоро, хуш келибсиз! — дедилар. Андин сўнг айдилар: — Эй қаландар, аввал нима эрдинг?

Шоҳ Машраб айдилар:

— Эшак эрдим!

Ва айдилар:

— Кейин нима бўлдунг?

Машраб айдилар:

— От бўлдум!

Мавлоно айдилар:

— Кейин нима бўлдунг?

Машраб айдилар:

— Тева бўлдум!

Мавлоно айдилар:

— Айюҳаннос, Бухоро халқи, билингларки, бу қаландар Хўжам подшоҳимдин келибдур, узр этинглар! — дедилар.

Ҳаммалари ўринларидин туруб, узр эттилар. Андин сўнг Шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Нигорим васлини излаб талабда бир қаландарман,

Кечиб дунёи фонийдин талабда бир қаландарман... — деб Шоҳ Машраб айдилар:

— Тақсир, мени орзум сизни зиёрат қилмоқ эрди. Билдимки, мунда зоҳидлар бор экон. Манга фотиҳа берингки, иродаи ҳаж қилиб эрдим, — дедилар. Назм:

Нест ғайр аз ошиқи дар кори мо

Нест жуз бори маломат бори мо.

Нақди жонро дода меҳнат мехарем,

Роҳати жон нест дар бозори мо!

Мазмуни

(Бизнинг ишимизда ошиқликдин ўзга нарса йўқ,

Маломат юкидин бошқа юкимиз ҳам йўқ.

Жон давлатини бериб меҳнат сотиб оламиз,

Бизнинг бозоримизда жоннинг роҳати бўлмайди)

Мавлоно Шариф айдилар:

— Беш-олти кун мунда турунг, сиз ғаниматсиз! — дедилар.

Машраб айдилар:

— Андоғ бўлса, сизни хизматингизда дарс ўқуйлук, — деб... Шоҳ Машраб Мавлоно Шарифда «Мишкоти шариф»ни ибтидо қилдилар. Ҳар кунда «Мишкот»дин бир варақ ўқуб,



хужраға кириб, микроз бирла ул варақни қирқиб пора-пора, чилимға солиб тортар эрдилар. Дудуни ютиб йиборур эрдилар. Бу воқеани муллолар кўруб, мавлонога арз қилдилар. Мавлоно айдилар:

— Эй Машраб, ўқуғон дарсингизни такрор қилмай, нега чилимға солиб торторсиз?

Машраб айдилар:

— Баъзиси кўнглумға ўлтирмади, хати қоғаз мусофир бўлмасун деб, ҳаммасини кўнглумға тортиб олдим! — дедилар. Ва айдиларки: — Манга рухсат берсангиз, Қуръонни назм қилсам!

Мавлоно айдилар:

— Қуръонни Ҳазрати Одам алайҳис-саломдин бери ҳеч ким назм қилғон йўқтур. Агар бу ишни қилсангиз, Қуръон хор бўлса керак, наинки бу иш сиздин ҳосил бўлодур!

Шоҳ Машраб айдилар:

— Мен сизни аҳли фаҳм десам, бир зоҳиди хушк эконсиз! — дедилар.

Андин кейин Шоҳ Машраб Бухоронинг Регистониға келдилар...

«Мани бедаво дардга гирифтор қилдинг» деб бу ғазални ўқудилар:

Ғамза билан қошима кел, жонни қилай санга фидо,  
Куйди юрак жиги-жиги, оҳ нетай, бўлдим адо...

АЛҚИССА, бу ғазални ўқуб туруб эрдилар, Вухоро халқига ғулғула тушти. Абдуллахон англадики, бир қаландари оташ нафас келибдур, деб бир кўрсак деб орзуда бўлди. Охир ул Абдуллахон одам йибориб, Шоҳ Машрабни ўрдога олдуруб борди. Шоҳ Машраб йўлда борғунча бу ғазални ўқудилар:

Нағмаи арғанун чолиб дилбари хуш адо келур,  
Лаззати ишқини топиб, зикри Худо сано келур.

Шул соат Абдуллахон икки зар фўта олдуруб келиб қўйди. Шоҳ Машраб фўтани бир учини белларига қистуруб, яна бир учини ерга судраб қўйдилар. Яна бир фўтани ўртасидин йиртиб, аёғларига ўроб, лой кечиб, Балх шаҳриға равона бўлдилар ва бу ғазални йўлда борғунча замзама қилур эрдилар:

Мойм, ки чун лолаи саҳройи Мадина,  
Дорем ба дил доғи таманной Мадина... —

:(Биз Мадина саҳросининг лоласимиз,

Мадинага етишиш орзусининг доғи дилимиздадир)  
деб шоҳ Машраб бу ғазални ўқуғонларидин сўнг Абдулла-

хоннинг ихлоси зиёда бўлуб, шул соат бир машруъ тўн келтуруб, Шоҳ Машрабга кийдуруб, айдики:

— Эй мирохўрлар, қаро арғумоқни олтун эгари бирла келтуруб, Машрабга беруб, миндуриглар!

Андоғ қилдилар. Абдуллахон айдилар:

— Эй меҳтарлар, шодиёна чолинглар!

Меҳтарлар шодиёна чалдилар. Абдуллахоннинг ўзи Шоҳ Машрабни Регистонғача кузатиб келди ва ҳам Бухорони саййиду хўжа ва фуқаролари тамошога келиб туруб эрдилар, Шоҳ Машрабнинг армуғоқлари учар қушдек ўйнаб келадур. Шоҳ Машрабнинг завқлари келиб бу ғазални ўқудулар:

Машраби умам омад мастонаи бепарво,  
Шамъи анжуман омад майхонаи бепарво...  
(Мастонага бепарво ҳолда умматларнинг

Машраби келди,  
Майхонадан бепарво бўлган анжуман шамъи  
келди)

Шоҳ Машраб муни деб эрдилар, бир ғариби бечора келиб, салом қилиб турди. Шоҳ Машраб айдиларки:

— Эй, бечора, бери кел!

Ул бечора яқинроқ келди. Шоҳ Машраб айдилар:

— Агар белимдаги фўта тушиб қолса, сенинг бахтингдур! Агар қўлим билан берсам, дунё айтурки, мени Машраб қўли бирлан тутти, дер. Ерга тушсин, сан ердин олғил, миннатдор бўлсин ер! — деб икки қадам юруб эдилар, фўта ерга тушти. Шоҳ Машраб ўзларини армуғоқдин ерга олдилар. «Эй Сармаст!» деб боликларини қичқурдилар. «Лаббайжа» деб етиб келди. Шоҳ Машраб айдилар:

— Бир пойтеша олиб келғил, бу отим аёғиға пойтеша бирлан урғил! — дедилар.

Тамоми Бухоро халқи айдиларки:

— Эй Машраб, мундоқ яхши арғумоқни нобуд қилмонг, бу икки юз тиллолик арғумоқ турур! — дедилар.

Шоҳ Машраб айдиларки:

— То ўрдадин Регистони Бухорога келгунча ушбу отни миниб, Худойи таолодин ғофил бўлдум. Яна бир бандан мўмин бу отни устиға миниб, Худойи таолодин ғофил бўлғай. Шул сабабдин ўлдурунглар, дерман!

Тамоми улуг-кичик Бухоро аҳли навҳа бирла йиғладилар. Абдуллахон бул сўзни эшитиб келиб: «Мурид бўлой!» деди.

Шоҳ Машраб айдилар:

— Мен мудирни ухдасидин чиқолмасман. Аммо қиёматлик биродарим бўлғил! — дедилар.

Абдуллахон бир минг танга ниёз қилди. Шоҳ Машраб бир дирамни олиб, кулоҳлариға санчиб, ўзгасини Худойтаолонинг йўлиға сарф қилиб йибордилар. Шоҳ Машраб масти мустағрақ бўлиб, бир сўз оғизларидин чиқиб, уламолар бу сўзни куфрликка ривоят қилдилар. Тамоми уламолар жам бўлиб айдиларки:

— Муни куйдурмоғлиғ лозимдур! — деб.

Алқисса, қанча ўтун йиғдурдилар. Шул соат Шоҳ Машраб ўтунни устиға чиқиб, бу муҳаммасни ўқудилар:

Ишқингда куймас ҳеч ким девона бўлмағунча,

Шамъингда ёнмас ошиқ парвона бўлмағунча,

Боғлаб белин бу йўлда мардона бўлмағунча,

Бошға олиб маломат афсона бўлмағунча,

Суймас садафни ҳеч ким дурдона бўлмағунча! —

деб шоҳ Машраб чарх уруб чиқиб келдиларки, жандаларининг ҳеч бир жойида ўтни асари йўқ. Уламолар кўруб ҳайрон қолдилар. Шоҳ Машраб айдилар:

— Мани сўзумни маънисига тушунмай, кофир бўлди деб, ҳукм қилдингизлар!

Уламолар айдилар:

— Эй қаландар, бу ишимиздин пушаймонмиз, маъзур тутинг!

Андин сўнг ҳама халойиқ офарин қилдилар, билдиларки бу қаландари ҳамма иши қабоб экан, халойиқни ихлосини ёндуродур экан. Бовужуд ҳамма ихлос қилдилар. Андин сўнг Шоҳ Машраб «ҳу» деб маҳаллаи Жўйборға равон бўлуб, йўлда боргунча бу ғазални ўқудилар:

Ул дилбари барнони ман ёр тутай дерман,

Май берса баҳам андин бир қатра ютай дерман... —

деб Шоҳ Машраб Қушбегига етилар. Қарасаларки, муллолар азоби қабрдин баён қилиб турубдурлар. Айдилар:

— Эй муллолар нега мунча халойиқни қўрқутурсизлар? Олам аросида олти қаландар йўқмукин бизнинг бирлан ётти қаландар бўлуб дўзах эшигини тўсиб турсак!

Муллолар бу сўзни эшитиб дедилар:

— Эй Машраб, сиз хали шу даражаға бордингизму? — деб Шоҳ Машрабни таёқға бостилар. Шоҳ Машраб айдиларки:

— Эй мухтийлар, кириб охундларнингизга айттинглар, охундларнингиз бирла сўзлашодурман! — дедилар.

То охунд чиқрунларича Шоҳ Машраб каромат зоҳир қилдилар. Қўйинларидин туякни олдилар, бир овуч сув олиб, эзиб ўлтурур эрдилар, шул соат муллолар келиб, охундга айдилар:

— Эй охунум, бир қаландар куфр сўзлади, бизлар анн таёққа тутдук ва ул қаландар сиэни чорлойдур!

Охунд дарҳол чиқиб кўрдиларки, бир қаландар сабзоб эзиб ўлтирубдур. Охунд айдиларки:

— Эй қаландар, бу нечук расволиқдур, ташлоғил, бу Фиръавнини нажосатидур, қўлунгиг ҳаром қилмағил! — дедилар.

Машраб айдн:

— Эй мулло, кофир бўлдунг!

Ва охунд айдн:

— Занед ин кидиро!

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Эй охунд, сен кимнинг умматидурсан?

Охунд айдн:

— Уммати Муҳаммад алайҳи-с-саломдурман!

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Агар сен уммати Муҳаммад бўлсанг, Ҳазрати пайғамбар алайҳи-с-салом йипак тўн кийибмидурлар? Ҳазрати пайғамбар алайҳи-с-салом пашмина кийиб ўттилар. Агар сен уммати Муҳаммад бўлсанг, на учун пайравлик қилмайсан! Шул кийган тўнинг ҳаромдур! — дедилар.

Охунд айдилар:

— На учун ҳаромдур?

Шоҳ Машраб айдилар:

— Кийган тўнингда йипак бор!

Охунд айдилар:

— Эй қаландар, агарчи йипакни бўлса ҳам, ўруши бўдур! — дедилар.

Шоҳ Машраб айдилар:

— Мен ҳам етти қошуқ сув қўштум, ҳололдур! — дедилар.

Андин сўнг охундга Машрабнинг аҳволи маълум бўлуб, охунд бошлиқ ҳамма катта-кичик узр айттилар. Анда шоҳ Машраб бу ғазалини ўқудилар:

Дардим ўтиға ёру биродар чидаёлмас,  
Балким, падари хоҳару модар чидаёлмас... —

деб шоҳ Машраб Хожан Жўйборға қараб равона бўлдилар.  
Кўрдиларки, бир хожа эшигида халойиқ жамъ бўлуб туруб-  
дур. Машраб сўрадиларки;

— Бу нечук воқеадур?

Одамлар жавоб бердиларки:

— Хожа бир қулни тупроққа солиб, қаттиғ азоб қилодур.

Шоҳ Машраб айдилар:

— Агар ман ани гуноҳини тиласам ўтармукин?

Одамлар айдилар:

— Шоядки, сиз ул бечорани гуноҳини хожасидин сўра-  
сангиз, умид буки, ўтса ўшал бечора азобдин халос бўлса! —  
дедилар.

Шоҳ Машраб хожанинғ қошиға келиб дедиларки:

— Эй хожа, бу қул сизга нима гуноҳ қилди? Мунча  
мунга зулму ситам қилурсиз?!

Хожа Шоҳ Машрабға қараб дедик:

— Бу қул андоғ улуғ гунноҳ қилибдурки, икки юз тил-  
лога олгон арғумоқимни товуқни тезогини бериб ўлтуруб-  
дур, анинг учун мундоғ азоб қилурман! — деди.

Шоҳ Машраб сўродиларки:

— Эй хожа, отангиз борму?

— Хожа айди:

— Отам ўлгондурлар.

Шоҳ Машраб дедилар:

— Атонгиз кимнинг тезогини еб ўлди, ўшал икки юз  
тиллога олгон арғумоғ товуқни тезогини еб ўлгон бўлса?! —  
дедилар.

Андин кейин Шоҳ Машраб бу мухаммасни ўқудурлар:

Улуғ дарёи раҳматдин ҳамиша хушки лаб бўлма,  
Ки сен ҳар ерға борсанг, эй азизим, беталаб бўлма,  
Некулар хизматиға бординг эмди беадаб бўлма,  
Мабодо кўрқаман монанди Бу Жаҳлу Лаҳаб бўлма,  
Саййидсан, хожасан, зинхор мағрури насаб бўлма!...

Шоҳ Машрабдин Хожа бу сўзларни эшитиб, кўб изо тортти.  
Хомуш бўлуб аносини олдиға келди. Аносини сўрадики:

— Эй ўғлум, санга на бўлдики, гулдек юзунг заъфарон-  
дек бўлибдур?

Хожа айди:

— Эй ано, бир қаландар қошимға келди, қавий хайкал,  
сурх рўй, сочлари гирди камариға тушган. Ман қулни азоб

қилиб турсам, келиб айдики: «Эй хожа, бу қул на гуноҳ қилди, мунча азоб қилурсан?» деди. Жавоб бердимки: «Бу қул мани икки юз тиллога олгон аргумоқимни товуқни тезогини бериб ўлдурубдур. Анинг учун мундоғ азоб қилурман», — дедим. Қаландар сўради: «Эй хожа, отанг борму?» деди. Мен айдимки: «Отанг ўлгон» дедим. Қаландар айдики: «Отанг кимни тезогини еб ўлди?» деди. Бу сўз манга таъсир қилди, сани қошингга келдим, деди.

Аноси айди:

— Мен англаб эдимки, бир Шоҳ Машраб деган авлиёи тахти қабоби келган эмишлар, деб. «Ло яърифунанум» мазмунда эрмишлар. Ихлос қилган кишиларга носазо сўзлар айтур эмишлар, деб. Уғлум сенинг атонг сажходанишин эрди, нимага кейин қолдинг? Филҳол борғил, аёқлариға йиқилғил, ҳар неча носазо айтқон бирла ихлосингни ёндурма, айтганларини маҳкам тутғил! — деди.

Хожа келиб, Шоҳ Машрабнинг аёғлариға йиқилди. Шоҳ Машраб онҳама носазо эттилар, хожа ихлосини ёндурмади. Шоҳ Машраб айдилар:

— Хожасан, анонгни сўзиға кириб, ихлосингни ёндурмадинг, эмди бир хилват жой тобқил! — дедилар.

Андин сўнг Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй хожа, шул кийган либосинг манга берсанг! — дедилар.

Хожа дарҳол учосидин солиб бердилар. Қўйлак ва пойжомасини ҳам тиладилар. Ани ҳам берди. Андин кейин Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй хожа, икки қўлинг бирлан эшагимни қуйруқини маҳкам тутқил, кўзингни юмғил, ҳар вақтики кўзунгни очғил демогунча очмағил! — дедилар.

Андин кейин хожани кўчага олиб чиқтилар. Бухоронинг аҳли мунинг аҳволини кўриб кулар эрдилар. Шоҳ Машраб анда бу мустазодни ўқудилар:

Васлингни топай десам, санамо, фикру ғамим бор,

Бир неча маҳалдур,

Ҳижрони фироқ, сўзиши дарду аламим бор,

Бағрим тўла қондур... —

деб Шоҳ Машраб бу мустазодни тамом қилдилар, эрса ҳамма йиғию зори қилиштилар. Шоҳ Машраб қарасалар, ушал хожа эшакни қуйруғини маҳкам тутуб, йиғлаб турубдур. Шоҳ Машраб эшакдин тушуб, хожанинг ҳақиға дуойи хайр қилдилар. Айдиларки:

— Эй хожа, сени пушти камарингдин бир фарзанд бўлур. Аммо отини Абулфайзхон қўйғил! — дедилар...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб Қубодиён келдилар... (Андин) ху деб Балх шаҳрига равона бўлдилар. Бир неча қаландар ҳам Шоҳ Машрабга ҳамроҳ бўлуб жуноштилари. Машраб боликлари бирла бу талқинни айттилар:

Жонимни ҳалок этмак учун турфа балон  
ул золими хунхор,  
Ширин сапами, моҳиваши, хурлиқон,  
Хусн аҳлина сардор...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу мустазодни ўқуб, Балх шаҳрига кириб борур эрдилар. Қарасаларки, бир ўзбак бир йўлбарсни терисини бозорга сотмоқга олиб бородур. Шоҳ Машраб ўшал ўзбакни жиловидиҳ тутиб олдилар. Айдиларки:

— Эй ўзбак, йўлбарс терини манга сотғил, ман олуб пустан қилай, — дедилар.

Ўзбакнинг аччиғи келиб, дедики:

— Эй қаландар, сен ким, йўлбарсни териси ким!

Отиға қамчи уруб юро берди. Ҳануз икки қадам қўймай, оти бирла сарнигун кетти. Урнидин дарҳол туруб, ўшал йўлбарсни терисини Шоҳ Машрабга назр қилди: яна узр айтиб; Шоҳ Машрабни аёғларига йиқилди. Андин кейин Шоҳ Машраб бул терини ўртасидин икки пора қилиб, ярмини орқаларига тортиб, яна бирини эшакларига ёпуб, ушбу ҳолат бирла эшакка тескари миниб борур эрдилар. Кўрдиларки, бир қаландари қавий ҳайкал, сурхина рўй, сочлари патила-патила, гирди камарига тушган, эшакка тескари минган, барқ уруб келадур. Дарҳол ўшал муллоларнинг аросидин бир мулло чиқиб келиб, Шоҳ Машрабга салом қилди: Айди:

— Эй қаландар, отингиз нима? — деди.

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Отим Худой!

Муллолар бу сўзни эшитиб айдиларки:

— Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди, даъвойи Худойлиғ қилди, муни ўлдурмак керакдур! — дедилар.

Шоҳ Машраб ўзларини эшакдин ташлаб қочтилар. Шоҳ Машраб шул қочқонларича Маҳмудхоннинг тўғри ўрдасига қочиб бордилар. Кўрдиларки, Маҳмудхон етти-саккиз юз кишига ош бердуруб турубдур. Шоҳ Машраб ўшал жамият-ни аросидин ўтиб, Маҳмудхонни тахтини остиға кириб ёттилар. Маҳмудхон муни кўруб ҳайрон қолди. Маҳмудхон

Машрабдин сўз сўроғунча бўлмай, ўттиз-қирқ муллолар Шоҳ Машрабни арқоларидин қувлошиб келиб қолдилар. Маҳмудхон муллолардин сўрадики:

— Бу нима воқеа? — деб.

Муллолар айдилар:

— Бу қаландар эшакка тескари миниб келодур экан. Бизлар бориб отини сўросак, отим Худой, деди. Муни ўлдурмак керак! — дедилар.

Маҳмудхон айди:

— Эй қаландар, булар нима дейдурлар?

Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй Маҳмудхон, эшакка тескари минганим рост турур. Аммо отимни ато бирла аном Худойберди деб қўйғон эканлар. Булар отимни сўрадилар. Ман Худой деб ҳануз бердигини айтмай туруб, булар нт бўлиб мени қувладилар, ман мушук бўлиб мунда қочиб келдим!

Мунча турган халойиқ бу сўзни эшитиб, қаҳ-қаҳ уруб кулушуб йубордилар. Муллолар музтар бўлушуб қолдилар. Анда Маҳмудхон Шоҳ Машрабнинг бу сўзларини эшитиб, завқ қилиб айдики:

— Эй муллолар, бу қаландарни гуноҳини сизлардин тиларман! — деди.

Муллолар ҳам қабул қилдилар. Маҳмудхон тилаб олди. Шоҳ Машраб Маҳмудхонга қараб айдилар:

— Эй Маҳмудхон, мени кушандам сан турурсан! — дедилар.

Маҳмудхон хайрон қолди. Шоҳ Машраб қўлларига селторларини олиб, ўзларини маълум ва ошкор қилмоқ учун бу газални ўкудилар:

Сани ишқингда, эй дилбар, ажаб девоналар бўлдум,

Бу оламда халойиққа баса афсоналар бўлдум...

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу байтларни ўқуғондан сўнг Маҳмудхон Шоҳ Машрабни аёғларига йиқилди ва айди:

— Ман эшитиб эрдимки, Машраб деган бир авлиёни тахти қабобий чиққан эмишлар, Маккага ўтубдурлар, деб. Мани ниятим шул эрдикки, ул қаландарни кўрсам, таҳоратларига сув берсам, манда на хадки, сизни бир тола мўйингизни ҳам қилсам! — деди.

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Эй Маҳмуд, галат айтурсан, менинг сарнавиштимда ажалимни санинг қўлингда битулғон, мани шаҳид қилурсан. Манинг васиятим санга шулки, менинг жасадимни бир ба-



ландроқ ерга чиқориб қўйғил, токи ҳар ким кўрса, йироқдин дуойи ҳайр қилиб ўтқой! — дедилар.

Маҳмудхон таажжуб қилиб, яна айдики:

— Эй тақсир, ҳаддим бўлурму сизни бир тола мўйингизни хам қилсам! — деб олдидаги ошни Шоҳ Машрабни олдиларига қўйди. Шоҳ Машраб ўзлари емай, итларини олдига қўйдилар. Итлари ҳам емай, бир жойга бориб ётти. Андин сўнг Маҳмудхон айдики:

— Тақсир, менинг ошимни нечук емайсиз?

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Санинг ошингни итим емайдур, ман нечук ейдурман! — дедилар. Маҳмудхон айдики:

— Тақсир итингиз, емаса, ман ейдурман! — деб ошни олдурки. Иккинчи кун яна Маҳмудхон Шоҳ Машрабни чақиртуруб олдилар. Шоҳ Машраб айдиларки:

— Эй Маҳмудхон, бу тахти мажозингни манга берғил, яхши бўлур экан! Устига чиқиб ўлтуройин! — дедилар.

Маҳмурхон, бажонидил, мана, деб тахтдин тушти, меҳмонхонани бўшотди. Шоҳ Машраб меҳмонхонага кириб, тахтни устига чиқиб, таҳбатаҳ тушакларга бавл қилиб қўйдилар. Шоҳ Машраб айдилар:

— Эй Маҳмудхон, ол бу тахтингни!

Вазир келиб қараса, тахт најосатга ботибдур. Вазир яқосини йиртиб подшоҳга айди:

— Эй подшоҳ, қайси ердин келган банги қаландарга ихлос қилибдурсиз. Фарғона заминдин бир қаландар келиб, подшоҳ Маҳмудхоннинг тахтини најосотга булғобдур деб, абадул абад бандномликка қолур. Агар инонмасангиз, ўзингиз бориб кўрунг! — деди.

Подшоҳ Маҳмудхон навкарлари бирла отланиб келди. Қараса, тахтни усти најосотга ботибдур. Подшоҳ Маҳмудхон айди:

— Эй Машраб, бу нима қилғонингиз?

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Хўб қилдим, мен сани тахтинга ўтурсам нима бўлуртур; сан юртга ўлтурдинг!

Подшоҳ Маҳмудхон бу сўзни эшитиб, дарғазаб бўлур дедики:

— Эй жаллодлар, бери келинглар!

Дарҳол жаллодлар келиб дедилар:

— Подшоҳим, нимага амр қилурсиз ва кимнинг умри паймонаси тўлибдур?

Подшоҳ айди:

— Машрабни олиб бориб дорға осингизлар!

Филҳол жаллодлар Шоҳ Машрабни тутуб, қўлларини маҳкам боғладилар. Анда шоҳ Машраб айдиларки:

— Эй подшоҳ, сан ҳам уч кундин сўнг оламдин ўтарсан!

Анда жаллодлар Шоҳ Машрабни дорға олиб борурда тамоми халойиқ орқаларидин навҳа ва зори қилиб борур эрдилар. Шоҳ Машраб жонларига айдиларки:

— Эй жон, киши маъшуқини кўрғоли борурда ҳам қўрқарму? — деб жонларига қувват бериб, йўл борурда бу ғазални ўқудулар:

Ичиб жоми муҳаббатдин хадиси шакарридинман,  
Ўзини қудратин очқон Худони дафтаридинман.  
Таноби халқани солғил мани бўйнулмға, эй жаллод,  
Киши билмас мани қадрим, бу конни

гавҳаридинман.

Дури файз айладим мақсуд бўлдум, айладим

нобуд.

Кушандам бўлди ул Маҳмудки, жаннат

кавсаридинман... —

деб Шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқудилар:

Кел, эй кўнгил, бугун мардона бўлғил роҳи

мақсуддур.

Билолмасман на савдолар мани бошимда

мавжуддур... —

деб Шоҳ Машраб дорни остига етқунча йўлда бу ғазални ўқуб бордилар. Яна дор остида дордин ўғрулуб, бу ғазални ўқудилар:

Ҳар кишини дарди бўлса йиғласин ёр олдида,

Қолмасин армон юракда этсун изҳор олдида...

Шоҳ Машраб айдиларки:

— Андак таваққуф қилинглар, мен ушбу жойда икки ракаат навмоз ўқуй! — дедилар. Филҳол таҳорат қилиб, икки ракаат намози шукри вузув ўқудулар. Андин сўнг Шоҳ Машраб ҳазин овоз бирла бу ғазални ўқудилар:

Маҳкам чу белинг боғла, эй Машраби девона,

Келди бу ажал санга тўлғон эди паймона...

Эй Машраби девона мардона қадам қўйғил,

Дор остига борғонда бўлма яна ҳайрона! —

деб андин сўнг Шоҳ Машраб жаллодларга айдиларки:

— Эй жаллодлар, манга тиг солурсизлар, ўшал тиг солгонда бир солғил, икки солмағил. Ҳазрати соҳибқироним айтур эдилар: «Эй Машраб, сен шаҳид бўлосан!» деб марҳамат қилур эдилар. Мен айтур эдимки: «Эй тақсир, подшоҳим, ман шаҳид бўлодурғон бўлсам, сизни тиги муҳаббатингиздан умидвордурман», деб эрдим. Ушал вақтда қаламтарошларини бериб эдилар. Ушал қаламтарошни жандамни аросиға қўюб тикиб эрдим, Жандаларини сўкуб, шул тигни кўзларига суртуб йиғлаб айдиларки: «Ҳай, дариг ўшандоғ соҳибқирон подшоҳим айтиб эрдиларки, «мани кушандам Қаротоғда, сани кушандам Балх шаҳрида Маҳмудхон қўлида» деб эрдилар. Анда Шоҳ Машраб Ҳазрати соҳибқирон подшоҳ шаъниларига бу ғазални ўқудилар:

Водариғо, дард бирлан ман адо бўлдум, нетай,

Дуру гавҳарни битурдим тобмайин ўлдум, нетай,—

деб шоҳ Машрабни ўзлари бир жуфтак уруб, дорға осилдилар. Тигларини жаллодга бердилар. Ўзлари бу ғазални ўқуб адо қилдилар:

Кел эй жисмим, шаҳодат тигига эмди яро бўлғил,  
Хусайн ибни Алидек сан шаҳиди Қарбало бўлғил.  
Қириб бу жисми зоримға фароғат кўрмаган жоним,  
Худодин бу ажал келди, санам энди фано бўлғил...  
Бу Машраб дори дунёдин шаҳиди олия излаб,  
Қиёмат тонги отқонда Худоға додҳоқ бўлғил!

АЛҚИССА, Шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб бўлгонларинин сўнг: «Жаллодлар келинлар, мени чопинлар!» деб амр қилдилар. Жаллодлар келиб, Шоҳ Машрабни ҳалқуларига тиг билан урди. Шоҳ Машраб жон баҳақ таслим қилдилар. Қолу инна лиллоҳи ва инна илайҳи роҷиун. Андин сўнг тамоми Балх шаҳрининг удуғу кичиклари Шоҳ Машрабга мотам тутуб, йиғи ва зориға кирдилар. Шоҳ Машраб ўн тўрт кечалик ойдек бўлуб ёттилар.

Подшоҳ Маҳмудхон бироз фурсатдин сўнг ўзиға келиб айдики:

— Эй вазирлар, шоҳ Машраб қанилар? — деди.  
Вазирлар айдиларки:

— Эй подшоҳим, ҳали ўзингиз ўлдур, деб ҳукм қилдингиз, андин кейин жаллодлар олиб кеттилар, — деди.

Подшоҳ Маҳмудхон қўлини тизига уруб, дедики:

— Вой, дариг, эй ноинсофлар, сизлар манга давлатхоҳ бўлгонларинг қайси турурки, онча бир ўғрини тилар эдингиз, шундоғ авлиёни тиламадинглар. Ман мутойиба қилиб, кўзумни қисиб айтмодумму? — деб дарғазаб бўлуб, от тортиб келиб, хабар олсаки, Шоҳ Машраб оламдин ўтубдилар. Подшоҳ Маҳмудхон айдики:

— Эй ноинсоф жаллодлар, ман сизларга Шоҳ Машрабни ўлдуриглар деганимда кўзумни қисиб, ҳазил мутойиба қилиб этмодумму? — деди.

Жаллодлар айдиларки:

— Бизлар билмодук, Машрабни гарданига таноб ҳам солмадук, ўзлари бир жуфттак уруб, сакраб дорға осилдилар ва ҳам ўзларини бир тиглари бор экан, шул тигини бердиларки, шул тиг бирлан ургил, деб. Бизлар ўшал тиг бирлан бир солдук, икки солгонимиз йўқ! — дедилар.

Андин сўнг Маҳмудхон пушаймонлар бирла надоматлар қилиб зор-зор йиғладилар. Андин сўнг Шоҳ Машрабни муборак жасадларини лаҳадга дафн қилдилар.

Шоҳ Машрабни оламдин ўтгонлариға уч кун бўлуб эрдик, тўртинчи кунда подшоҳ Маҳмудхон уйда ётиб эрди, унинг атрофидан овоз келдики, «Ал-қасос минал-ҳақ» деб. «Эй Маҳмуд, қоч!» деб. Маҳмудхон қочқунча бўлмай, уй босиб қолди. Маҳмудхон ҳам оламдин ўттилар. Шоҳ Машрабни вафотлариға етти кун бўлуб эрди, тўққуз қаландар Балхга талқин этиб келдилар. Маҳмудхонни вазирлари бу қаландарларни келгонларини эшитиб, олдилариға чиқти. Бу сўзни сўрадики:

— Эй қаландарлар, қайдин келурсиз?

Қаландарлар айдилар:

— Келишимизнинг ўртаси Макка, ҳоло шаҳри Хиротдин келдук.

Вазир айдики:

— Эй қаландарлар, бизларга Худойи таоло бир валиини каромат қилиб эрди, отлари Машраб экан, бизлар қадрларини билмадук, подшоҳим шаҳид қилди, Маҳмудхонни ўзи ҳам ўлди! — дедилар.

Анда қаландарлар айдилар:

— Бизлар Машрабни яхши танурмиз. Уч кундулки бизлар ани кўзимиз бирла кўруб келдук, Хирот даштида кафанлари бўйнида, итлари кейинларида Маккага кетиб борадурлар!

Вазирлар бу сўзни эшитиб, отланиб, Шоҳ Машрабни лаҳадлариға келиб, кўрдиларки гўрларини қибла тарафидин бир эшик очилибдур, Анда на кафан кўринадур ва на жасад, ҳеч бир нимарса йўқ. Вазир кўз ёши қилиб, лаҳадни кўмуб, дуо ва такбир қилиб ёнди. Вазир тонгла кечаси туш кўрдик, вазирга Шоҳ Машраб айдилар: «Эй вазир, ман пайғамбари Худони зиёрат қилиб келдим, Ишканмиш деган ерни тайин қилдилар, мани қабримни ўшал Ишканмишга кўтарғил!» дедилар.

Вазир эрта бирлан бориб, гўрларини очиб кўрдик, Шоҳ Машрабни жасадлари ётибдур. Андин сўнг вазир ул лаҳаддин олиб, Ишканмишга дафн қилдилар. Шоҳ Машрабни қабрлари Ишканмишда турур.

Валлоҳу аълам бис-саваб! Таммат ал-китоб би авнид маликул ваҳҳоб!!



1. Оллоҳ ҳар бир ишнинг дўррилигини билгувчироқдур. Бу китоб Оллоҳнинг мадади билан туғди.

## ИЗОҲЛАР ВА ШАРҲЛАР

- 5-бет. Масти-Мустаграқ — ҳаёлга ғарқ бўлиб.  
Майло — эгам, бу ерда Аллоҳ маъносида.  
Муҳаммас — ҳар банди беш сатрли-шарқона шеър.  
бардӯш этиб — елкасига ёпиб.
- 6-бет. Маҳдий — шиа мазҳабидаги мусулмонлар оқир замонда Ер юзи-халқини тўғри йўлга, ҳидоятга бошловчи ҳалоскор — Маҳдий келади, деб ишонадилар. Абу Сулаймон Куфийнинг «Сувору-л-ақолим» китобида айтилишича, Бағдод яқинидаги «Сомро» масжиди Жомея олдида бир гор бўлиб, шиалар эътиқодича, имом Маҳдий ўша жойдан чиқишни керак эмиш. (Шу боис) жумъа кунлари бир саман отни умид билан гор оғзида тутиб турар эканлар» (Давлатшоҳ Самарқандий). Зинда — Тирик, Ҳаёт, дегани.  
Сару побараҳма — яланғоч, ёқавайрон.  
Зикри симоъ — «шовқишли» зикр.  
Пири Канъон — Юсуф пайгамбарга ишора. Ҳазрат Яъқуб ва унинг ўғли Юсуф алайҳиссалом Канъон (Ханаан)лик эдилар. «Ва бил-волидайн эҳсонан» — Қуръони маърид ва Ҳадиси шарифда таъкидланувчи «Ота, онангга эҳсон қил» деган маслаҳат шариаат ҳукмларидандир.
- 8-бет. Фасона — афсона. Ийдгоҳ — сайлгоҳ.
- 9-бет. Сайҳа тортиб — фарёд қилиб.  
...Оҳим аламдир — бу ерда алам — байроқ маъносида.
- 12-бет. Маҳдуми Аъзам ёки имоми Аъзам-Ан-Нуъмон бини Собит Абу Ханифа (699—767) — Ханафия мазҳаби асосчиси.  
Ҳожа Абдулҳолиқ Гияждувоний — (ваф. 1220) — Аҳмад Ясавий билан биргаликда Юсуф Ҳамадоний сулукида таҳсил олган буюк суфий (мутасаввиф). Баҳовуддин Нақшбандийнинг маънавий устозларидан бири.
- 13-бет. «Масти жоми ваҳдатам» — ваҳдат майидан (худои-таолонинг васлига етиш ҳузуридан) маст бўлиш. Тасаввуф тутушунчаси. Осаф ибн Барҳаё — ривоятларга кўра, пайгамбар Сулаймон алайҳиссаломнинг доно вазири. Ушдаги Тахти Сулаймон ва Осаф шу азиз-авлиёлар шарафига қўйилган. Сулаймон пайгамбар парилар авлодидан Билқисни олиб келишда Осафнинг доно маслаҳатларидан фойдаланган.  
«Жуа залла гуноҳ...» — юзаб залолат-ёмонликларга ботганиман, гуноҳим кўп, деганида шоир ўзи эмас, айниқ бошлаган мусулмонларнинг ноҳақ ишларини назарда тутаяди. «Тилимда раббиял аъло» — намоз, иборат сўзалари. Аллоҳ-таолонинг юксаклиги маъносида.
- 14-бет. Офоқ хўжа эшон тариқат пири эканлигидан ташқари, Қошғарда подшоҳ ўрнида ҳам ҳукм юритган.  
«Бўйи Мансури Халлож» — Нақшбандия пирларидан бешқа сўфийлар-эъзоловчи Хусейн Мансур Халлож «Ана-л-ҳақ», яъни «Мен — худоман» дегани учун халифа Ал-Маҳдий даврида (775—785) қатл этилиб, ёқиб юборилган. Шоир Манраб ҳам овгли равишда Мансур Халлож наъдан борган.

ўшандай ўлишни орау қилган. Қуръон ва Хадиси шарифда тақабурлик, худога шерик келтириш (ширик) катта гуноҳ саналади. Фақирлик, камтарлик улуғланади. Мағмуми паришон — ғамга ботиб, паришон бўлиб.

- 16-бет. «Уламоу уммати ка-анбиё бани Исроил» — арабча «Меннинг умматим олимлари Исроил халқи пайгамбарларидан» — хадиси — шарифдан.
- 18-бет. Ломакон — яъни, жисмсиз, абадий рухлар олами.
- 19-бет. Худонараст, яъни мусулмон.
- 21-бет. «Юнусим батни самак ўлгонда», яъни Юнус пайгамбарни наҳанг ютганида. Қармоқ — бу ерда имон маъносига. Қуръон каримда Юнус пайгамбар ҳалойиқин исломга чақиролмай, қийналиб кетганида олисдан кема кўринади. У кемага қочиб, таъқибчилардан жон сақламоқчи эди. Аммо кемадагилар уни денгизга улоқтирадилар, бу ерда уни наҳанг балиқ ютиб юборади. Юнус пайгамбар наҳанг ичида 40 кун Аллоҳга тавба-тазарру қилади. Бу воқеа Таврот-Библияда ҳам тилга олинади.
- 22-бет. Машрабнинг бу шеърда ва бошқа шеърларида ишқи илоҳий маънолари мажозий йўлда ифодаланган.
- 26-28бетлар. Шоир Машрабнинг «жинниларча» ҳар бир қилиғида чуқур маъно бор. Аммо, ўзи ҳам сезганидек, бу валий шоир пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг изчил издоши Баҳовуддин Нақшбандий тариқати нздан эмас, ўзини худога тенглаштирган осий Мансур Ҳаллож нздан борди. Шоир шеъриятида ҳам илоҳийлик, ҳам илоҳга осийлик борлиги шундан.
- 31-бет. Ҳазрати Султон марқади — пири Туркистон — Ҳожа Аҳмад Ясавийнинг қабри, Машрабнинг бу қабрга миннатида нборат «жиннилик» замирида «Авлиёлар мақбарасига сизинманглар, фақат Аллоҳга сизининглар!» деган маъно бўлиши мумкин.
- 32-бет. Машраб, сеҳрловчи Бавди Суврат қалъасига кираётганида Ҳазр. Масиҳ (Исо) ва Марьяни ёд этиб, уларнинг рухлари кўллаб, қайтиб чиқишни умид қилган кўринади. Демак, умиди оқлаиб, эсон-омон қайтиб чиққан. Аммо, яна хаёли бузулиб Каъбага бориш ниятидан қайтганлиги тарихий маълумотларда учрамайди.
- 33-бет. Бу ерда жонон ҳақ-таоло, бода — иймон маъносига. Зотан, Шарқ шеърияти анъаналарида бу барқарор бадиниладир. «Иброҳимдан қолгон ул эси дўкон» Қуръони карим ва ислом ақидаларига кўра, байтуллоҳ — Каъба Иброҳим ҳалиллуллоҳ тарафидан қурилган. Мазкур сатрнинг маъноси: агар кишида Ҳақ таолога ишонч, эътиқод бўлмаса, унга муқаддас Каъбанинг не кераги бор?
- 35-бет. Зингула — қўнғироча.

- 40-бет. Миқров — қайчи. «Мушкоти шариф».  
Зоҳиди хушк — бу ерда қуруқ, илмсиз, расмиятчи маъно-  
сида.
- 42-бет. Маҳаллаи Жўйбор — Хожа Ахрори валий авлодлари яша-  
ган маҳалла.
- 44-бет. «Дарён раҳматдин хушки лаб бўлма». Бу ерда пайгамбар  
Муҳаммад алайҳиссаломга яқин қариндош бўлатируб, раҳ-  
мат — пайгамбар таълимотидан хушки-лаб-сув ичолмай  
қуруқшаб, ташна юрган Абу Жаҳл ва Абу Лаҳабни тилга  
олар экан, Машраб, Хожа Ахрори валий хонадонига мансуб  
шайхнинг маърифатсиз қолганига ачинади.
- 45-52 бетлар. Шоир Машрабнинг кейинги хатти-харакатлари ва га-  
заллари уни тасаввуфнинг маломатия тариқатига яқинли-  
гини кўрсатади. Бу тариқат аҳли доимо ўш бошларига таъна-  
маломат ёғилишини ва тезроқ фаний дунёдан кетишни ис-  
таб қоладилар. Шоирнинг фожеали ўлимида кўнгилна сирли  
маъиолар борки, бу ерда уларни изоҳлашнинг ўрни эмас.

МАҲКАМ МАҲМУД.



На узбекском языке  
Адабий бадиий нашр.

### ШОҲ МАШРАФ ҚИССАСИ

Мусаввир М. Саймоилов.  
Расмлар муҳаррири Тоҳир Саъдуллаев.  
Мусаҳҳих Салима Рўзиева.

Босмаҳонага берилди 17. 06. 91. Босишга 01. 08. 91.  
да рўхсат этилди. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>. Босма қоғози  
«Новогазетная». Оддий янги гарнитураси. Оффсет босма.  
Босма табағи 3,25.

Ўқами 50.000 нусха 1594 Рақамли буюртма.

Баҳоси 2 сўм 50 тийин.

«ШАРҚ» нашриёти.

«ИЖОД» ва «МАТРИФАТ» ижодий бирлашмалари.

Тошкент вилоят матбуот бошқармасига қарашли Ангрэн  
шаҳар босмаҳонасида чоп қилинди. Ангрэн шаҳри,  
Фишман кўчаси, 26.

# شاه مشرب قصه

